Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 167 (3668)
25 СЕШАНБА
ИЮЛЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Шаҳар индустрияси рапорти

ЕТТИ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

БУГУН

Тошкентнинг саноат корхоналари коллективлари 1978 йилнинг етти ойи учун саноат маҳсулоти реализация қилиш ва буюмларнинг кўпгина муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича белгиланган топшириқни бажаришди.

Шаҳар индустрияси ходимларининг меҳнат муваффақияти КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун фаол кураш олиб бориш, беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш натижасидир.

Меҳнат беллашувида шаҳардаги Ленин, Ҳамза, Собир Раҳимов, Октябрь ва Чилонзор районлари ишчи коллективлари юксак натижаларга эришдилар. Январь—июль ойлари планларини муддатидан илгари бажаришга «Таштекстильмаш», Электрон техника, «Ташэлектромаш» заводлари, булка-кондитер, абразив буюмлар комбинатлари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, бадиий буюмлар фабрикаси коллективлари салмоқли ҳисса қўшишди.

КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми қарорлари, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладида айтган қоида ва хулосалар меҳнат коллективларида юксак меҳнат ва сиёсий активликни юзага келтирди. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари Ўзбекистон колхоз ва совхозларига зарур оталиқ ёрдами кўрсатилишини таъминлаш бўйича янги катта марралар белгилашди.

Корхоналарда «Сифатли, самарали, қолоқларсиз ишлайлик!» шиори остида СССР янги Конституциясининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш, беш йилликнинг учинчи йили планларини муддатидан илгари адо этиш учун мусобақа кенг қулоч ёймоқда.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

●

Талабчанлик асосида

Агрегат заводи партия комитети кун тартибига халқ назоратчилари фаолияти муҳокамасини қўйди. Бу ҳақда завод касаба союз комитети раиси Н. Пусько ҳикоя қилиб берди.

Парткомда халқ назоратчилари фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар рўй-рост таҳлил этилди, нуқсонларни бартараф этиш йўллари белгиланди.

Партком белгилаган тадбирлар ичида июль Пленуми қарорлари асосида барча цехлар халқ назорати группалари раисларининг семинарини ташкил қилиш, халқ назоратчилари ишига ҳар томонлама кўмак беришга қаратилган тавсиялар бор.

●

Тадбирлар белгиланди

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришнинг аҳволи «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетида муҳокама қилиб бориляпти.

Яқинда корхона парткомида биринчи ярим йилликда маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш план топшириқларининг бажарилиши якуни муҳокама этилди. Бу борада коллектив кувончли ютуқларни қўлга киритаётгани қайд этилди. Масалан, корхонада ўнинчи беш йиллик охиригача жами маҳсулотнинг 50 процентини Сифат белгиси билан тайёрлаш кўзда тутилган эди. Коллектив ўртасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар пухта йўлга қўйилгани, коллективнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлиги ошгани туфайли бу маррага ҳозирнинг ўзидаёқ эришилди.

Йиғилишда корхона 5-цехи партия ташкилотининг секретари П. Иванов коммунистларнинг бу борада эришаётган ютуқлари, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган янги вазифалар ҳақида гапирди. Шунингдек, коммунистларнинг КПСС Устави талабларини қандай бажараётганликлари масаласи ҳам кўриб чиқилди.

«Компрессор» заводининг коллективи ПР—10М маркали компрессор машиналарини Давлат Сифат белгисига тақдим қилиш учун фидокорона меҳнат қиляпти.

СУРАТДА: 11-йиғув цехининг зарбдор слесари коммунистик меҳнат зарбдори Иван Шудьгин навбатдаги машина двигателини монтаж қилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

СИБИРЬ ВА УЗОҚ ШАРҚ БУЮРТМАЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЮКСАК СИФАТДА БАЖАРАМИЗ

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари партиямизнинг Сибирь ва Узоқ Шарқни ўзлаштириш учун ёрдамни кучайтириш чақириғини биринчи навбатдаги энг муҳим вазифалардан бири деб қабул қилдилар. Шаҳарнинг кўпгина корхоналари коллективлари Л. И. Брежневнинг мамлакатнинг Шарқий районлари ишлаб чиқариш қувватларини комплекс ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича берган кўрсатма ва маслаҳатларига амал қилиб, «Сибирь ва Узоқ Шарқ буюртмаларини — муддатидан илгари, юксак сифатда бажарамиз» шиори остида мусобақани авж олдириб юбордилар. Сибирлик ва узоқ шарқликларнинг буюртмаларини қандай бажарилаётганлиги умумий назорат остига олинди.

Шаҳарнинг кўпгина бирлашма ва корхоналари йилнинг биринчи ярим йиллиги учун қабул қилган мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Мамлакатнинг Шарқий районларига — қурилаётган объектларга, корхона ва ташкилотларга турли хил машина ва механизмлар, кабель, электротехника приборлари ва бошқа бир неча юз минг сўмлик буюмлар жўнатилди.

Маҳсулот сифатига ва мустаҳкамлигига асосий эътибор берилсин. Тошкентликлар буни тўғри ҳис этишиб, ана шу паст ҳароратли, намгар районларда фойдаланиш учун юбораётган буюмларни мавжуд техника қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда тайёрлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Буюртмаларнинг ўз вақтида бажарилишига тошкентлик транспортчилар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишади. Уларнинг вазифаси белгиланган жойга буюмларни ўз вақтида, яхши сақлаган ҳолда етказиб беришдир.

ЮКЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ЖЎНАТИЛЯПТИ

—Майна! — деган хитоб янгради.

Кўтарма кранининг «хартуми» конвейерни секин-аста темир йўл платформасига қўя бошлади. Унинг ён томонига шундай деб ёзилган: «Белгиланган станция— Красноярск товар станцияси. Қабул қилиб олувчи — Комбайн заводи».

Жўнатувчи эса — Тошкент «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси. Сибирлик машинасозларга юборилаётган юклар сибирликларнинг шошилинч берган буюртмалари асосида тошкентлик мутахассислар тайёрлаган ва лойиҳалаштирган агрегат-станоклардан иборат.

— Сибирь комбайнсозлари билан ҳамкорлигимиз кун сайин мустаҳкамланмоқда, — дея ҳикоя қилади бирлашма бош директори Р. Ҳусанов. — Шу йилнинг ўзидаёқ биз Шимолга «Сибиряк» комбайнларининг мураккаб деталларини механик усулда ишлаш учун мўлжалланган агрегат-станокларнинг бир туркумини жўнатдик.

Красноярсклик машинасозларга, айниқса ступица, муфти сцеплениясининг корпуси каби деталлар жуда маъқул бўлмоқда. Эндиликда ана шу агрегат-станоклар ёрдамида юқорида номлари келтирилган деталларни юксак аниқликда, юқори сифат билан, энг муҳими, тез ва соз тайёрлаш мумкин бўлади. Шунингдек, кўплаб малакали станокчиларни қўл меҳнатидан озод этади. Масалан, тошкентликларнинг резьба қирқувчи бурғилаш станоги бир йўла уч диопазонда 12 та тешикли резьба қирқади. Шу билан бирга унинг йиллик иқтисодий самараси 32 минг сўмликка етади.

Йўниш агрегат-станоги эса универсалдир. У тешикчаларни йўнишда, силлиқлашда, тешикчалар очишда, торецни қирқишда ва муфти сцеплениясининг корпусидаги фаскани олишда қўл келади. Бурғилаш станоги эса тешикчалар очишга мўлжалланган. Йиллик иқтисодий самараси 25.5 минг сўм. Тошкентликларнинг барча ажойиб станоклари сибирликларга жуда маъқул бўляпти.

Маълумки, Сибирь ва Узоқ Шарқда обҳавонинг ноқулай келиши туфайли кўпинча ғаллазорларда пишган буғдой ўз бошоғини серқуёш Ўзбекистон кўтаролмай ётиб қолади. Натижада комбайннинг ўриши учун қийинчилик туғиларди. Эндиликда бу муаммо «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ёрдами туфайли ҳал этилди. Комбайннинг ётган бошоқларни бир текис ўриб кетиши учун унга махсус пружинали «бармоқлар» тайёрлашга мўлжалланган автомат-станок тайёрлаб берилди. Ҳозир бундай станоклардан ўнтаси Ильич номли тажриба-механика заводида ишлаб чиқарилди. Бу қишлоқ механизаторларининг талабини тўла қондиради.

«Технолог» бирлашмасининг Красноярск комбайн заводи билан ёзишмалар тахтасида пойтахтидан келаётган станок ва ускуналар тўғрисида кўпгина илиқ сўзларни ўқиш мумкин.

Машинасозлар КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан руҳланган бир пайтда, тошкентлик ва сибирликлар кундан-кунга ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашиб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу улкан программани муваффақиятли амалга ошириш учун берган кўрсатма ва маслаҳатлари асосида ишга янада жадал киришдилар.

Б. АКСАНИЧ,
«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта инженери.

АЛОҚА КЕНГАЙМОҚДА

Кемерово, Тюмень, Чита... Мана шу адреслар бўйича ҳар ойда Тошкент трактор заводидан юклар жўнатилади. Сибирдаги кўпгина районлар Ўзбекистон пойтахтидан келадиган трактор ва прицепларнинг эҳтиёт қисмларини сабрсизлик билан кутишмоқда.

Тайгани ўзлаштиришда, ботқоқни йўқотишда техника зиммасига икки баробар куч тушади. Шунинг учун ҳам у ерда Тошкент трактор заводи цехларида тайёрланган узатгичлар, «тиш»лар, балкалар ва бошқа зарур эҳтиёт қисмлар бебаҳо саналади, алоҳида ардоқланади.

Тошкентлик тракторсозлар Сибирь корхоналари билан яқиндан иқтисодий ва ишлаб чиқариш алоқаларини боғлашган. Масалан, «Омсксельхозремонт» бирлашмасининг Калачи заводида қишлоқ хўжалиги ишлари учун мўлжалланган прицепларнинг ўз вақтида чиқиши Тошкент трактор заводига боғлиқ. Йил бошидан буён Калачига 12 минг комплект ғилдиракларнинг зарур қисми етказиб берилди.

Буюртмачилар: — «Тошкентликлар маҳсулотининг сифати аъло!» — дейишмоқда.

Заводнинг иқтисодий алоқалар географияси мунтазам кенгайиб боряпти. Бурятия, Ёқутистон, Олтой ўлкасидаги қишлоқ хўжалик машиналарига ҳам деталлар етказиб бериш учун шартнома тузилган. Йил бошидан буён сибирликларнинг буюртмалари бўйича 300 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берилди.

ОЛИС РЕЙСЛАР БЎЙЛАБ

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Тошкент лак-бўёқ заводи. Бу корхонанинг маҳсулотига заводлар ва комбинатлар, қурилиш объектлари ва фабрикалар, муассаса ва ташкилотлар мунтазир. Қисқаси, лак-бўёқ маҳсулотларига бўлган талабни тасаввур қилиш учун бу ерга, завод адресига келаётган телеграммаларни ўқишнинг ўзи кифоя. Телеграммаларнинг мазмуни битта: илтимос, эмаль, лак, темир кукунли пигмент ва бошқа кўплаб бўёқ маҳсулотлари жўнатишни тезлатсангиз. Вахоланки, лак-бўёқ заводи Москвадан, «Союзглавхимпром»дан адреси ва муддати аниқ кўрсатилган наряд олса-да, барибир мижозлар муддатидан илгари зарур маҳсулотни жўнатишни талаб қилишиб телеграмма юборишаверади.

— Куни-кеча Красноярск қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи маъмурияти дейди,— лак-бўёқ заводи таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари Н. Федяшова,— Тошкентга ўз вакилини юбориб, 1978 йилнинг учинчи квартали ҳисобига 40 тонна қизғиш рангли эмаль беришимизни илтимос қилибди.

Уни бўлимнинг ўзида қабул қилишди. Тошкент лак-бўёқ заводи коллективи Сибирь ва Узоқ Шарқ корхоналарига юбораётган маҳсулоти сифатига асосий эътиборни қаратмоқда. Красноярскликларнинг илтимоси қондирилиб, биринчи туркум—13 тонна эмаль жўнатиш учун тайёрлаб қўйилди.

Мана, «Хабаровскхимснабсбыт» бошқармасининг буюртмаси. Ярим йилликда хабаровсклик буюртмачилар адресига 145 тонна ёғли лак ва эмаль, шунингдек қуюқ оқ бўёқ ҳам юборилди. Учинчи ва тўртинчи кварталларда эса буюртманинг қолган қисми жўнатилади.

Мижозлардан яна бири Примор ўлкасининг 3-темир-бетон буюмлари заводидир. Бу заводга лак, қуруқ оқ бўёқ, темир кукунли пигмент, ёғ лакидан 1.911 тонна юбориш керак. Тошкентлик лак-бўёқчилар Узоқ Шарқ корхоналари эҳтиёжига яраша маҳсулот жўнатмоқдалар. Масалан, ярим йилликда узоқ шарқликларга 845 тонна маҳсулот юборилди.

Владивостокдан шошилинч телеграмма келди: «Ўтиниб сўраймиз, муддатидан илгари цинкали белила юборишингизни сўраймиз. Акс ҳолда Узоқ шимол корхоналари иши оқсаб қоляпти». Илтимос эътиборсиз қолмади. Цинкали белиланинг бир қисми кўрсатилган адрес бўйича жўнатилди.

Тошкент лак-бўёқ заводи юзлаб адреслар бўйича маҳсулот жўнатяпти. Айниқса, Хабаровск ва Сахалин, Магадан ва Ёқутистон, Владивосток ва Сибирдаги мижозларнинг талабини қондиришга алоҳида эътибор беріляпти.

...Тепловознинг гудоги янгради. Тошкент лак-бўёқ заводи территориясидаги темир йўлда турган вагонлар узоқ рейс бўйлаб йўл олишди. Уларнинг адреси катта саноат объектлари, янги шаҳарлар бунёд этилаётган, янги ўзлаштирилаётган районлар. Сибирь ва Узоқ Шарқ шаҳарларидир.

Елкама-елка туриб

ЦЕХДАГИ реле йиғиладиган конвейерда суюқлик оқиб боряпти. Майя Абдураззоқова «якор»ни, яъни қора пластмассани бошқа бир оқ пластинкага ёпиштиряпти. Унинг қўлларидан ўтаётган «якорь» кейинги ишчига, бу ишчидан эса яна ўнлаб қўллар орқали ўтиб, ниҳоят ажойиб турли хил жажжи деталларга айланяпти. Мана, регулировкачи Елена Смольянинова йиғилган приборни электр стендга улади, стендда эса 8 та лампочка бирин-кетин ёна бошлади. Демак, реле ишляпти, у белгиланган схема бўйича йиғилган. Қиз унга шахсий тамға— 38 номерни қўйди.

Бу ерда ҳар бир регулировкачи шахсий тамғадан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Комсомол қиз Е. Смольянинованинг бу заводда ишлаётганига эндигина уч йилдан ошди. Бу вақт мобайнида у ўзининг тиришқоқлиги билан юксак маҳоратга эришди.

— Четдан қараганда ҳар қандай кишига бизнинг ишимиз—конвейерда ишлаш бир хил ва зерикарли кўриниши мумкин, — дейди Елена.— Бир жойда смена мобайнида ўтирасан-у, доимо бир хил ишни такрорлайсан. Аслида бундай эмас. Биз программали бошқариладиган станоклар, сув ости қайиқлари, электр станциялар... учун жуда мураккаб бўлган приборларни йиғамиз. Уларни бутун мамлакат учун тайёрлаймиз. Биласизми, ҳозир кимнинг буюртмасини бажаряпмиз? Сибирликларни. Яна айтиш мумкинки, БАМликларни ҳам. Шунингдек, беш йилликнинг зарбдор комсомол қурилишлари буюртмаларини ҳам бажаряпмиз. Бу билан биз замондош қаҳрамонларимиз — қурувчилар билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётгандай ҳис этамиз ўзимизни.

Реле цехи бошлиғи Г. Ильин қўшимча қилди:

— Леонид Ильич Брежнев мамлакатнинг Шарқий районлари ишлаб чиқариш қувватларини комплекс ривожлантириш вазифасини қўйгандан сўнг,— дейди у,— «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомоллари ҳам Сибирь ва Узоқ Шарқ буюртмаларининг бажарилишини қаттиқ назорат остига олдилар. Масалан, цехимизда комсомол аъзоси, регулировкачи Елена Смольянинова, слесарь-йиғувчи Галина Блохина, ўровчи Галина Харина ва бошқалар зарбдорона меҳнат қилмоқдалар. Бу ватанпарварлик ҳаракатида албатта меҳнат ветеранлари намуна кўрсатишяпти. Заводда ўттиз йилдан бери меҳнат қилаётган Мария Кожуленко ана шулар жумласидандир.

Ўтган ярим йилликда цех коллективи 275 мингта «РП—2» маркали реле тайёрлаб берди. Шундан 5 мингтаси пландан ташқари ишлаб чиқарилди. Бу приборларнинг кўпчилик қисми «Дальприборэлектроснабсбыт», Ғарбий Сибирь, Тюмень, Красноярск, Ёқутистон, Камчатка ва Сахалинга жўнатилди.

1-цех ана шу адреслар бўйича паст вольтли 10-, 20-, 60-, 100-амперли аппаратлар жўнатмоқда. Бу ерда ҳам «Сибирь ва Узоқ Шарқ буюртмалари — муддатидан илгари, юксак сифат билан» шиори остида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Бу участкада Зичанда Абрамова ва Валентина Манеркина каби мастерлар пешқадамлик қилишяпти.

Электромонтаж цехида эса Хурмат белгиси ордени кавалери З. Салимов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси Сахалин ТЭЦи ва С. Каминский бригадаси эса Петропавловский ТЭЦи учун ўттизта электр панели тайёрлаб берилганлигини фахр билан тилга олишади.

...Сибирь ва Узоқ Шарқ Тошкентдан анча олис. Лекин дўстлик масофа билмайди. Кундан-кунга ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

В. ЛАПИНА.

ЗАМОНАВИЙ ВА ХУШБИЧИМ

Шу ҳафтада Ватанимизнинг пойтахти Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида замонавий либосларнинг катта кўриги ўтказилади. Бу тадбирни олиб боришдан мақсад мамлакатимизда йил сайин ривожланиб бораётган кийимлар моделчилиги ва унинг ютуқларини намойиш қилишдир. Бу кўргазма шу билан диққатга сазоворки, унда фақат химиянинг мўъжизаси бўлган полимерлардан тикилган либослар томошабинлар диққатига ҳавола қилинади.

Тошкентдаги Модалар уйи ана шу кўрикнинг асосий қатнашчиларидан биридир. Шу муносабат билан чеварлик даргоҳининг рассоми Татьяна Григорьевна Агафонова бундай дейди:

— Москвадаги бундай обрўли кўрикда қатнашиш биз Ўзбекистон моделчилари учун катта баҳодир. Ўтган йилларда ҳам чеварларимиз тайёрлаган кўпгина моделларни у ерда муваффақият билан намойиш этган эдик. Навбатдаги кўрикка йил бошидан буён катта тайёргарлик кўрилди.

БУГУН

Москвага ўзбек миллий либослари жўнатилди. Улар лакстрин, замшдан тикилган эркаклар ва хотин-қизларнинг турли мавсум пальтоларидир. Бу кийимлар ўзининг хушбичимлиги, сифатли ва чиройли тикилиши билан диққатга сазовор. Ҳозирги пайтда маълумки болонья ва лаке материалларидан курткалар тикиш оммалашиб кетди. Бизнинг ана шундай маҳсулотимиз худди шу куннинг талабига тўлиқ жавоб беради. Бундан ташқари полиэстрдан тикилган костюмлар ва плашчлар, хотин-қизларнинг кримпленлан тикилган кўйлаклари Москвада намойишга қўйилади.

Ўзбек киноси намойиши

Келгуси ойларда Совет Ўзбекистони республикаси маданияти учун яна бир қувончли воқеа юз беради. Жаҳоннинг Италия ва Финляндия мамлакатларида Совет Ўзбекистони маданияти кунлари ўтказилади. Шу муносабат билан ҳозирги пайтда ана шу мамлакатларга юбориладиган санъат асарларини тайёрлаш ишлари қизғин бормоқда.

БУГУН

Италия ва Финляндияда кўрсатиладиган ўзбек киноси намуналари программаси тузиб чиқилди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги кинематография давлат комитети раисининг ўринбосари Қосим Ҳошимович Эргашев мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:

— Бу мамлакатларда ўтказиладиган Ўзбекистон кунлари республикамиз учун қувонарли воқеадир. Ўзбекистон киностудияларининг кейинги йилларда яратган картиналари ана шу кўрикларда намойиш қилинадиган бўлди. Бунинг учун бир қатор фильмлар танлаб олинди. Улар орасида «Инсон қушлар ортидан боради», «Сен менинг қўшиғимсан», «Еттинчи ўқ» бадиий фильмлари, «Паранжи», «Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида», «Ўлкамнинг қўшиқ ва рақслари», «Шарқда шундай саховатли шаҳар бор» сингари ҳужжатли картиналар бор. Яқин кунларда икки хорижий мамлакатга юбориладиган бу картиналаримиз томошабинларга манзур бўлади деб ўйлаймиз. Чунки, улар ўзбек киносанъатининг тараққиёти, маҳоратидан далолат беради. Лентапарда муҳим мазмунли ғояларни ёрқин акс эттиради.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● «Беш йилликнинг шахдам одимлари» сарлавҳаси остида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планининг 1978 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти эълон қилинган.

● 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети бир қанча доимий комиссияларининг мажлислари бўлди.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, табиатни ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш комиссиялари қўшма мажлис ўтказдилар. Бу мажлисда республика Олий Советининг еттинчи сессияси муҳокамасига қўйилаётган Ўзбекистон ССР ўрмон кодексининг лойиҳаси кўриб чиқилди.

«САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-29» — «ПРОГРЕСС-2»:

УЧИШ ПРОГРАММАГА МУВОФИҚ ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 24 июль. (ТАСС). Владимир Коваленок ва Александр Иванченковнинг «Салют-6» — «Союз-29» — «Прогресс-2» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида ишлаши давом этмоқда.

Экипаж ўтган кунлар мобайнида иккита технологик экспериментни бажарди. Бу экспериментлардан бирида «Қотишма» қурилмасида янги ним ўтказгич материаллар, шунингдек уч металл: алюминий, қалай ва молибдендан бирикмалар олинди. «Кристалл» қурилмасида юқори температурали эритмадан галлий арсениди монокристаллини етиштириш юзасидан эксперимент ўтказилди.

Кеча космонавтлар ер юзини ва жаҳон океани акваториясини бир неча марта фотосуратга олдилар. Бу тадқиқотлар атроф-муҳитни ўрганиш мақсадида бажарилди. Қрим, Кавказ, Жанубий Урал, Каспий бўйи паст текислиги, Қозоғистон, Ўрта Осиё республикалари районлари фотосуратга олинди.

Бугун орбитал комплекс экипажи дам олади.

Владимир Коваленок билан Александр Иванченков ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

«Салют-6» — «Союз-29» — «Прогресс-2» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг учиши давом этмоқда.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ.
Автомобилларнинг эски, ишдан чиққан покришкаларидан самарали фойдаланиш мумкин экан. Шундай усуллардан бири янги йўллар қурилишида ундан фойдаланишдир.
ДПА—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **БЕРЛИН.** Чехословакиядан олинган тезюрар «Татра» трамвайлари Германия Демократик Республикаси пойтахтининг аҳолиси ва меҳмонларига жуда ёқиб қолди. Ҳозирги вақтда Прагадаги «Татра — Смихов» заводларида ишлаб чиқарилган мана шундай трамвайлардан 83 таси Берлинда ишлаб турибди. Бундай трамвайлар йил охиригача 117 тага етказилади. Яқин келгусида Берлиндаги трамвайларнинг ҳаммаси мана шу тезюрар «Татра» трамвайлари билан алмаштирилмоқчи.

◆ **НЬЮ-ЙОРК.** АҚШнинг прогрессив ҳаракатларига, демократик ва ҳуқуқ ташкилотларига қарши федерал тергов бюроси олиб борган махфий қўпорувчилик ҳаракатларини кўрсатувчи янгидан-янги фактлар очилмоқда. «Детрой фри пресс» газетасининг хабар беришича, 60-йилларнинг ўрталарида федерал тергов бюроси реакцион «Брейктру» ташкилотини урушга қарши ҳаракатга, шунингдек гражданлик ҳуқуқлари учун кураш ҳаракатига қарши гижгижлаб, бу ташкилотнинг фаолиятини активлаштиришга уринган. Газетанинг ёзишига қараганда, прогрессив ташкилотлар ва айрим кишиларни гиж-гижлашни қандай ташкил этиш тўғрисида федерал тергов бюроси «Брейктру»га мактублар ва йўл-йўриқлар юбориб турган.

«Детрой фри пресс» газетаси фош қилган материаллар Америка охранкаси гражданлик ҳуқуқлари учун кураш ҳаракатини бостиришга интилиб, энг разилона ишлар қилаётганлигини яна бир марта яққол кўрсатиб турибди.

◆ **МЕХИКО.** Мексикада иш олиб бораётган кўп миллатли компаниялар шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнидагина мамлакатдан 4 миллиард песодан кўпроқ пул олиб чиқиб кетганлар. Бу хабарни Мексика банки эълон қилди. Чет эл компаниялари Мексиканинг ўзида сарфлаган капитал маблағлар ҳозирги вақтда 105 миллиард песони ташкил этади.

(ТАСС).

МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

СУРАТЛАРДА: Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери коммунист Абдумутал Ғуломов подшипниклар ремонти заводида 34 йилдан буён баракали меҳнат қилиб келаётган моҳир созловчидир. Абдуфаттоҳ Шукуров (ўнгда) қишлоқ механизаторлари учун турли хил эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқараётган Агрегат заводининг илғор тобловчиси. Бу меҳнатда пешқадамлар мунтазам равишда смена-ойлик топшириқларини ортиғи билан адо этишмоқда.

• *Беш йиллик вахтасида*

Унумдорлик мезони

3-ғишт заводи кейинги ўн йилда жадал суръатлар билан ривожланди. Дастлаб кошин ишлаб чиқарадиган, кейин эса силакпор, керамзит блоклари ишлаб чиқарадиган цехлар ишга туширилди. Ўтган йили корхонада яна бир цех қад кўтариб, шиша ва елим тайёрлаш йўлга қўйилди. Заводда талай вақтдан бери қишлоқдаги чорвачилик бинолари, омборхоналар, гаражлар қурилишига атаб керамзит блоклар ишлаб чиқариляпти. Ҳар бири еттита ғишт ўрнини босадиган бу материал энг аввало арзон, мустаҳкамлиги билан қишлоқ қурувчиларининг диққатини тортаяпти. Завод ишчилари пешма-пеш ишлаб чиқараётган блокларни Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларининг колхоз ва совхозларидаги қурилишларга жўнатиб туришибди.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленумида қилган докладида Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг қишлоққа кўрсатаётган оталиқ ёрдамига юксак баҳо берди. — деди биз билан суҳбатда завод директори Туроб Ёқубов. — Бу шаҳримиздаги барча саноат корхоналари қатори бевосита қишлоққа қурилиш материаллари етказиб бераётган бизнинг корхонамиз коллективи меҳнатига ҳам берилган юксак баҳодир.

Ҳозир керамзит блоклар цехи азаматлари ҳар вақтдагидан зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, смена топшириқларини мунтазам 110—115 процентга етказиб адо этяпти. Ярим йил мобайнида 3 миллион 678 минг дона шартли ғишт ёки пландагидан 478 мингта кўп керамзит блоклар қишлоқ қурилиши учун жўнатилди.

3-ғишт заводида бевосита қишлоққа атаб тайёрланаётган маҳсулот фақат керамзит блоклардан иборат эмас. Бу ерда апрель ойида капрон трубалар ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди. Бу капрон трубалар эгилувчан бўлиб, юқорига етказиладиган ўқариқларга ёткизилади, уларга винтиллар ўрнатилган. Экинларни суғорганда бу трубалардан фойдаланганда сувчи сувни тараш машаққатидан қутулади.

Завод коллективи шу пайтгача бу маҳсулотдан 64 минг погон метрини ишлаб чиқарди. Йил охиригача бу кўрсаткич 200 минг погон метрга етказилади.

Коллектив девор материаллар (керамзит блоклар билан қўшиб ҳисоблаганда) ишлаб чиқариш топшириғини ҳам ортиғи билан бажарди. Қурилиш объектларига олти ой мобайнида 21 миллион 200 минг ўрнига 21 миллион 370 мингта девор материаллари юборилди. Бундан ташқари кошин ишлаб чиқариш топшириғи ҳам ортиғи билан адо этилди. Йил бошидан бери 40 минг ўрнига 40,5 минг квадрат метр кошин юборилди.

Корхона азаматлари беш йилликнинг учинчи йилида ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилиб, суръатни тезлаштиришяпти.

Шаҳримиз қурилишларида бинолар сиртини безашда турли рангдаги кошинлардан тобора кенг фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам заводдаги коммунист Анатолий Микишенко бошлиқ кошин цехи коллективи корхонада социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, бу зарур қурилиш материалидан тобора кўпроқ ишлаб чиқаришга ҳаракат қиляпти. Бундан тўрт-беш йил муқаддам бу ерда ҳар ойда 4000 квадрат метр атрофида маҳсулот тайёрланарди. Ҳозир эса ҳар ойда қурилиш объектларига 7000—7500 квадрат метр ҳажмида юқори сифатли кошин жўнатишяпти. Бунга цехда ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, конвейерларнинг бетиним ишлашини таъминлаш, вақтдан унумли фойдаланиш, ишчиларнинг касб маҳоратини ошириш орқали муваффақ бўлиняпти.

Фрунзе район Советининг депутати Галина Романенко бошлиқ бригада кошин цехининг пешқадам коллективларидан саналади. Бу бригада азаматлари ҳозир 1979 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига меҳнат қиляпти. Бригада ҳар ойда планга қўшимча 750—800 квадрат метр кошин тайёрлаб беряпти. Галина Романенко бизга бригадаси эришаётган ютуқлар ҳақида сўзларкан: «Илғорликка эришиш учун фақат шижоатли меҳнатнинг ўзи етарли эмас, — деди. — Авволо ишчида меҳнатга эътиқод, инсонга муҳаббат бўлиши, бугунги кун назари билан эрталикка кўз ташлай олиши керак. Фақат дўстлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам бор жойда унумли меҳнат бор. Бизнинг бригадамиз тажрибаси бунинг ёрқин исботидир».

Заводнинг хумдон участкасида Холбой Қулбоев, Зокир Жўраев бошлиқ бригадалар кўпчиликка намуна бўлишяпти. Бу бригадалар беш йилликнинг уч йили топшириғини СССР янги Конституцияси кунигача бажаришга аҳд қилиб, кунлик ва ойлик топшириқларини мунтазам 120—130 процент адо этишяпти. Зокир ака Жўраев ғишт заводида 26 йилдан бери фидокорона меҳнат қилиб келаяпти. У коллективда катта обрў ва ҳурматга эга, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Зокир ака бошлиқ бригада коллективда биринчи бўлиб «Фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз» ташаббусини кўтариб чиқди. Бу ташаббус корхонада кенг қулоч ёйди.

Заводда шу кунларда коллектив юқори меҳнат кўтаринкилигида меҳнат қилмоқда. Шаҳримизда тобора кўплаб қурилаётган ҳар хил қурилиш иншоотларига материалларни ўз вақтида етказиб бериш ишига масъулият билан ёндошиб, қурувчиларнинг таҳсинига сазовор бўлишяпти. Юқорида тилга олганимиз 3. Жўраев, Х. Қулбоев бошлиқ, шунингдек У. Нигматуллин ва И. Ахметшин бошлиқ бригадаларнинг ҳар бир аъзоси ҳар куни планда белгиланган 5700 дона ўрнига 6—7 минг дона ғишт чиқариб, смена топшириқларини ортиғи билан адо этишяпти. Юбилей йилини меҳнатда катта ютуқлар билан якунлаган коллектив эндиликда 1978 йил ишлаб чиқариш планини ҳам муддатидан илгари адо этиш ва қурилиш объектларига кўплаб юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш йўлида ғайрат отини қамчиламоқда.

Т. ЮНУСОВА.

ЖОНАЖОН РЕСПУБЛИКАМИЗДА

•

ЧЎЛДА ОЛМА ГУЛЛАЙДИ

Уст-Юртда ер ости суви билан суғорилган олмазорда илк бор хушбўй олмалар пишди. Бу боғ катта эмас.— Унда қарийб 20 дарахт ўтқазилган. Лекин, у Жаслик темир йўл станциясининг аҳолиси билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпогистон филиали Уст-Юрт чўл станциясининг биологларини кўп хурсанд қилди.

Шу иқлими кескин тошлоқ чўл учун энг чидамли дарахт навларини танлаб олишга анча-мунча вақт кетди. Кишилар Оролдан то Каспийгача бирон туп дарахти бўлмаган чўлда олма етиштириш мумкинлигига ишонмасдилар. Насослар неча ўнлаб метр чуқурликдан сув чиқарди. Махсус тайёрланган тупроқ тўкилган чуқурчаларга кўчатлар ўтқазилди. Бу кўчатларни жазирама офтобдан ҳам, қаҳратон совуқлардан ҳам, чангли бўронлардан ҳам авайлаб асрашга тўғри келди. Бу ерда олма билан бирга заранг, терак, тол ва бошқа дарахтларни ўстириш мумкин бўлди. Чўлқувар геологлар темирйўлчилар, газ компрессор станцияларининг операторлари, бинокорлар яшайдиган янги посёлкаларнинг кўчаларини шу дарахтлар билан кўкламзорлаштиришга қарор қилишди.

•

БИР МИНГДАН КЎПРОҚ

Турли касбдаги уч юз мутахассис РСФСРнинг ноқоратупроқ зонаси мелиораторларига ёрдам бермоқ учун Намангандан Иваново областига жўнаб кетди. Улар 1200 бош мол учун чорвачилик комплекси, сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар, савдо маркази, маданият уйи, болалар муассасаларини қурадилар.

Ноқоратупроқ зона ўзлаштирила бошлагандан буён ўтган уч йил мобайнида Наманган у ерга бир мингдан кўпроқ мутахассис жўнатди.

(ЎзТАГ).

Шаҳрим — фахрим

Ҳаммани мафтун этсин

Бугунги кунда пойтахтимиз ўз қиёфаси улуғворлиги билан мамлакатимиздаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Бунда албатта шаҳарни ободонлаштиришга жалб этилган кўплаб ташкилотларнинг, жамоатчилик ва маҳаллаларнинг коллективлари амалга оширган ибратли тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг Киров район ободонлаштириш бошқармаси ҳам ана шундай хайрли ишга сафарбар этилган.

Ўтган давр мобайнида бошқарма коллективи район кўчаларини янада ободонлаштириш, яшил зоналарни кенгайтириш, суғориш тармоқлари ишини яхшилаш борасида кўпгина ишларни олиб борди. Бошқарма коллективи ва районни ободонлаштиришга ҳисса қўшаётган коллективлар кучи билан бу йил баҳорда 136 минг тупдан кўпроқ кўчат ва яшил тўсиқлар ўтқазилди. «Марказ-5» кварталида, Бўзсув соҳилида, Аҳмад Дониш кўчасида янги микрохиёбонлар вужудга келтириб, улар ҳар томонлама ободонлаштирилди ва аҳоли ҳордиқ чиқарадиган жойга айлантирилди.

Шу йил баҳорда шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтказиш тўғрисида Октябрь райони билан бирга ташаббус бошлаган районимиз меҳнат коллективлари бугунги кунда ҳар туп ниҳол ва гулларни, яшил зоналарни ёзнинг иссиқ пайтида қуриб қолишига йўл қўймаслик учун катта кураш олиб боряптилар. Сув таъминотини яхшилаш, бунинг учун барча чора-тадбирларни кўриш шу куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди. Бу ишда кўпгина ободонлаштириш ташкилотларининг режали, ҳамжиҳатли иш олиб боришлари тақозо этилади.

Район кўчалари ва проспектларини кўркамлаштириш, транспорт ҳаракати учун қулайлик яратиш ишига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу йил ўтган йили қуриб фойдаланишга топширилган Жаҳон Обидова кўчасидаги йўл ўтказгич иншооти атрофлари янада ободонлаштирилади. Айни пайтда Тошкент—Москва темир йўлининг Аҳмад Дониш кўчасидан ўтадиган қисмидан яна бир ана шундай йўл ўтказгич қурилиши олиб борилмоқда.

Бу йил районда 71 минг квадрат метр йўл ва йўлкалар ремондан чиқарилиб, 6 километр масофадаги ирригация тармоқларининг сув ўтказувчанлик даражасини ошириш ишлари амалга оширилади.

Бундан ташқари, шу йилнинг ўзида Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектидан Аҳмад Дониш кўчасигача троллейбус линияси қуриш кўзда тутиляпти. Юнусобод массивини телефонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилади. Кўчалар ва хиёбонларга гул етказиб бериш учун 800 квадрат метр майдонда гул ўстириладиган теплица қурилади.

Район ижроия комитетининг биноси ёнидаги майдон ободонлаштирилиб, партия ва давлат арбоби, революционер Сергей Миронович Киров ҳайкали ўрнатилди. Бу ер ҳам районнинг энг диққатга сазовор жойларидан бирига айланиб қолди. Хидирали Эргашев кўчасининг Энгельс кўчасидан Тимирязев кўчасигача бўлган қисми эса янгидан қурилмоқда.

Ҳозирга қадар 160 минг метр майда суғориш тармоқлари тозаланди, кўпгина гидротехника иншоотлари ва сув ўтказувчи ирригация тармоқлари ремонтдан чиқарилди. Энгельс кўчасига пуркагич фонтанча ўрнатилиб, кўчанинг икки томонига чим ётқазилди. Тўрт минг квадрат метрдан кўпроқ ҳажмида кўчалар жорий ремонтдан чиқарилди.

Ободончилик ишларида районимиздаги саноат корхоналари, ўқув муассасалари коллективлари ҳам актив иштирок этмоқда. «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси Жаҳон Обидова кўчасини ободонлаштириб, ушбу кўчанинг Энгельс кўчаси ва темир йўл кўпригигача бўлган қисмига ёмғирлатиб суғориш водопроводлари ўрнатди, чим ётқизиш ва ободонлаштириш ишларини олиб борди. «Ўзбекэнергоремонт» корхонаси эса Хуршид кўчасида ёмғирлатиб суғориш мосламаларини ўрнатди.

Айни пайтда районимизда ободонлаштиришга жалб этилган ихтисослаштирилган йўл эксплуатация тресги каби айрим ташкилотлар Шаҳристон кўчаси, Шаҳристон кўчасининг 3-проезди, Татарский кўчасининг Тимирязев кўчасидан Озарбайжон кўчасигача бўлган қисми ва бошқа жойларни ремонтдан чиқариш ишларини сусткашлик билан олиб боришди. Шунингдек, Юнусободдаги В-4, Б-1 кварталларида қурилаётган турар жой биноларининг қурилиш объектлари атрофи 1-уйсозлик комбинатининг 27-қурилиш бошқармаси томонидан намунали сақланмаяпти. Шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича катта ишлар олиб борилаётган ҳозирги пайтда шунга ўхшаш айрим нуқсонларни ўз вақтида тузатишга катта эътибор бериш керак. Бу албатта юқорида номлари айтилган ташкилотларнинг раҳбарларига тегишлидир.

Районимизда амалга оширилаётган ободончилик ишлари пойтахтимиз қиёфасида ўзига хос ўрин эгаллайдиган Киров районини янада гўзаллаштириш, уни Тошкентнинг энг кўркам ва обод жойларидан бирига айлантириш мақсадларига қаратилгандир. Шаҳарни ободонлаштириш, уни тоза сақлаш, ҳар бир кўчат ва гулларни асраб-авайлаш Тошкентни боғ-роғлар шаҳрига айлантиришдек фахрли ишнинг таркибий қисми ҳисобланади. Район Советн ижроия комитети ободончилик ишларини пухта ташкил этишга раҳбарликни кучайтирмоқда. Ижроия комитет активлари раҳбарликни кучайтирмоқда. Ижроия комитет активлари ободончилик ишларининг пухта ва сифатли амалга оширилишига алоҳида аҳамият бермоқдалар. Ҳеч шубҳасиз, бу ишлар Тошкентни янада обод ва ўз чиройи билан ҳаммани мафтун этадиган намунали шаҳарга айлантириш имконини беради.

Б. ОРТИҚХЎЖАЕВ,
Киров район Советн ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Халқ хўжалигимиз учун кўплаб газ плиталари етказиб бераётган «Ташгазаппарат» заводининг зарбдор слесари, коммунистик меҳнат зарбдори Елена Щербакова мунтазам равишда смена-ойлик топшириқларини 130—140 процент адо этади. Бу илғор аёл самарали меҳнати туфайли корхона маъмурияти томонидан бир неча бор тақдирланган.

СУРАТДА: Е. Щербакова. М. Нуриддинов фотолари.

УЙ МУБОРАК

•

АЛОҚАЧИЛАР УЧУН

Давлат алоқа лойиҳа институтининг ходимлари ҳам яқин вақтлар ичида 9 қаватли янги бинога кўчиб ўтадиган бўлдилар. Улар учун Энгельс кўчасида замонавий ва хушбичим бино бунёд этилмоқда. Объектда қурилиш ишларини «Висотстрой» трестининг 69-қурилиш бошқармасидаги Владимир Стратулатов бошлиқ комплекслашган меҳнат бригадаси ишламоқда.

БУГУН

бунёдкорлар уй қурилишида қурилиш-монтаж ишларини тугатдилар. Эндиликда биноларни пардозлаш ишлари учун кичик деворлар тикланмоқда. Ана шу трестнинг 76-бошқармасидаги пардозчилар бинонинг олд томонини қиммат баҳоли тошлар билан пардозламоқдалар. Бундан ташқари қуёш тўсқич воситаларини ўрнатиш ишлари ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Қуёштўсқичларнинг диққатга сазовор жойи шундаки, улар очилиб турган пахта чаноғи шаклида ишланган бўлиб, кишининг диққатини жалб этади.

Бино шу йилнинг тўртинчи кварталида фойдаланишга топширилади.

•*Совет турмуш тарзи*

САХИЙЛИК

«Ғамхўрлигингиз ва илтифотингиз учун раҳмат, ажойиб посилкангиз учун раҳмат» — Бу сўзлар шофиркон қишлоғида истиқомат қилувчи деҳқон Файзиев олган телеграммадан келтирилди. Бу телеграммани Приморьедан ҳарбий билим юртининг курсантлари юборган.

Ота-бобоси деҳқон бўлиб ўтган, Улуғ ватан урушининг ветерани Д. Файзиевни жонажон Карл Маркс номли колхозидагина эмас, шу билан бирга мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида ҳам биладилар, севадилар ва ҳурмат қиладилар.

Деҳқон Файзиев аллақачон пенсияга чиққан. Лекин у қўл қовуштириб ўтиришга одатланмаган — колхознинг жамоат ишида ҳозир ҳам актив қатнашмоқда. Уни комсомол йиғилишларида, пионер сборларида тез-тез учратиш мумкин. Ёшлар оқсоқолнинг совет кишилари Улуғ ватан уруши фронтларида жасоратлари ҳақидаги ҳикояларини зўр мароқ билан тинглайдилар. Файзиев бўш вақтида деярли боғдорчилик ва асаларичилик билан шуғулланади. У ўз боғидан олинган ҳосилни колхоз болалар боғчасига инъом қилади. Асалничи? Деҳқон ота уч юз килограмм хушбўй асални БАМ қурувчиларига жўнатди. Унинг посилка қилиб юборган асалини Приморье ва Москвадаги бўлғуси офицерлар олишди. У икки йил муқаддам зилзиладан зарар кўрган газли болаларига бир неча ўнлаб килограмм асал юборган эди. Файзиев буларнинг ҳаммасини текин туҳфа қилди.

Шофиркон район касалхонасининг ҳовлисида уч юз туп мева дарахти ҳосил бермоқда. Ана шу дарахтларнинг кўчатларини деҳқон ота совға қилган эди.

А. ФОЗИЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«НУРСИЗ ЧИРОҚЛАР»

12 майда юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда Чилонзор районидаги Наққошлик кўчаси ва 2-Наққошлик проездидаги чироқларнинг хира ёниши танқид қилинган эди.

Район ободонлаштириш бошқармаси бу масалада чора кўрилаётганини ва бу аҳвол тузатилажагини хабар қилган.

•

«АДАШГАН МЕҲМОНЛАР»

9 июнда юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда Акмал Икромов районидаги айрим кўча ва маҳаллаларда электр чироқ нормал ишламаётгани танқид қилинган эди.

Район ободонлаштириш бошқармасидан хабар қилинишича, бу масалада чора кўрилган, электр чироқлари ҳозир нормал ишламоқда.

•

«ТЎЙ ТАРҚАБ КЕТДИ»

Газетанинг 23 июнь сонида шу сарлавҳа остида Қорасарой кўчаси ва Алдер проездида электр чироқлари нормал ишламаётгани танқид қилинган эди.

Шаҳар электр тармоқлари корхонаси бу материал Жанубий район электр тармоқларида муҳокама этилганини, зарур чоралар кўрилиб, электр чироқларнинг нормал ишлаши таъминланганн маълум қилинди.

•

«ҚАРОВСИЗ КЎЧА»

Собир Раҳимов районидаги Программа ва Ўзгариш кўчаларининг қаровсизлиги юқоридаги сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

Район ижроия комитетидан олинган жавобда бу кўчалар ремонтдан чиқарилиб, тартибга келтирилгани хабар этилди.

Жаҳон ойнаси

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Элга хизмат қилмоқда

ВАРШАВА. Вроцлавдаги «Мера — эльвро» заводида мингинчи электрон-ҳисоблаш машинаси ишлаб чиқарилди. Вроцлавликларнинг фахри бўлган «Р-32» компьютери бир секундда 240 минг операцияни бажаришга қодир.

Польша сўнгги йилларда ҳисоблаш техникасини ишлаб чиқаришда катта сакраш ясади. Ҳозирги вақтда хўжаликнинг бутун-бутун тармоқлари, юзлаб маъмурий ва илмий муассасалар, савдо тармоқлари шу техника хизматидан фойдаланмоқда. Польшада уй-жой бинолари ва ишлаб чиқиш цехларини автоматик тарзда лойиҳалаш юзасидан ишлаб чиқилган система мутахассисларда зўр қизиқиш туғдирди.

Компьютерлар республиканинг қишлоқ хўжалигида ҳам кенг қўлланила бошлади.

Дала узра самолётлар

БЕРЛИН. ГДР аграр авиацияси бу йил қарийб 1.7 миллион гектар қишлоқ хўжалик экинзорларини дорилади. Учувчилар ҳавода 60 минг соат учиб, далалар, яйловлар ва ўрмонлар устига 30 минг тоннадан зиёд ўғит ва бошқа химикалийлар пуркадилар.

Совет қишлоқ хўжалик авиациясининг учувчилари ГДР учувчиларига катта ёрдам бердилар.

Ҳозирги вақтда аграр авиациянинг асосан Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган 180 самолёти ва вертолёти республиканинг картошка майдонларини ва ўрмон хўжалигини дорилашга киришди.

Ҳамкорлик асосида

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Совет иқтисодий ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйди. Бу босқичда иқтисодий ҳамкорлик янада мустаҳкам ва узоқ муддатли бўлади. Ҳиндистон план комиссиясининг аъзоси В. Г. Ражадьякша Москвада СССР билан Ҳиндистон ўртасида узоқ муддатли иқтисодий, савдо ва илмий-техника ҳамкорлиги программасини тайёрловчи Совет-Ҳиндистон қўшма ишчи группаси мажлисининг протоколини имзолагандан кейин Ҳиндистонга қайтиб келгач ТАСС мухбирига шундай деб айтди.

Бу протокол, деди у, Ҳиндистон-Совет ҳамкорлиги соҳаларини кенгайтириш ва шу мақсадда — 10—15 йилга мўлжалланган биринчи узоқ муддатли программани тузиш йўлида бир қанча чоралар кўришни кўзда тутади.

В. Г. Ражадьякша Ҳиндистон — Совет ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболлари ўтган йили КПСС Марказий Комитети Бош Секретари, СССР Олий Совет Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Ҳиндистон Бош министри М. Десаи ўртасида олиб борилган музокаралар давомида аниқ белгиланганлигини ва бундан 7 йил муқаддам имзоланган иккала мамлакат ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада таъкидлаб ўтилганлигини айтди.

Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстона алоқаларнинг кучайиши, деди суҳбатининг охирида В. Г. Ражадьякша, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик иши учун мустаҳкам барқарор қилувчи омилдир.



Металлурглар рапорти

ПРАГА. Чехословакия саноатининг байроқдори — Остравадаги К. Готвальд номли Витковице металлургия ва машинасозлик комбинатининг кўп минг кишилик коллективи олтинчи беш йилликнинг биринчи ярмини муваффақиятли тугаллади. Дастлабки маълумотларга кўра, халқ хўжалиги шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнидагина комбинатда планга қўшимча равишда 67 минг тоннадан кўпроқ кокс, чўян, пўлат, прокат олди.

Комбинатда беш йилликнинг энг муҳим объектлари — Кладнодаги «Мельник—Ш» электростанцияси, пўлат қуйиш заводлари, кончилик саноати корхоналари учун металл конструкциялар етказиб бериш графигига аниқ риоя этилишига алоҳида эътибор берилди.

ЧЕТ ЭЛ ФОТОКАЛЕЙДОСКОПИ.

Сиз мана бу суратда кўриб турган созанда «Яккахон-оркестр» ҳисобланиб, у бир йўла 12 хил музика чолғу асбобида чалади.

СУРАТДА: гамбурглик машҳур артист Франц Колачек.

ДПА—ТАСС фотоси.

Африка халқларининг содиқ иттифоқчилари

МАПУТУ. Жанубий Африкадаги Африка миллий конгресси раҳбарлигининг аъзоси Лагу Леннокс ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Пролетар интернационализми принципларига амал қилаётган Совет Иттифоқи миллий озодлик учун курашаётган барча халқларнинг чин дўстидир. Озодликка эришган кўп халқлар, деб таъкидлади у, мустамлакачиликка қарши кураш йилларида ва мустақилликка эришилганидан кейинги даврда самимий ёрдам берганликлари учун совет кишиларидан миннатдордирлар.

Империализм кучлари ҳозирги вақтда «Африка африкаликлар учун» деган сохта шиорни ниқоб қилиб олиб, Африкада ўз агентурасини ҳар қандай йўллар билан кучайтиришга уринмоқда. Ана шу ёвуз кирдикорлардан кузатилган мақсад — Африкадаги мустақил мамлакатларни уларнинг содиқ иттифоқчиларидан — социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидан ажратиб қўйишдир.

Империалистик мамлакатлар Африкада зўр бериб кичик блокларни уюштирмоқдалар, «Африка мамлакатлараро кучлар»ни вужудга келтирмоқдалар. Ғарб стратегларининг фикрича, ана шу «кучлар» жандарм вазифаларини бажарадилар, революцион жараёнга тўсқинлик қиладилар ва пировард натижада Африка қитъасининг социал-иқтисодий проблемаларини янги мустамлакачилик руҳида ҳал этишга мажбур қилмоқчи бўладилар, деди Л. Леннокс.

Африка қитъасининг халқлари, деди у суҳбатининг охирида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ва аввало Совет Иттифоқининг ёрдами билангина чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эриша оладилар.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

МАФТУНИНГМАН, ТОШКЕНТ!

Офтоб ошиқ гул рухсорингга,
Гул чеҳрангдан олмиш зиёни.
Жўр бўлайин кўнгил торингга,
Куй қопласин мовий самони.

Нақорат:

Ифтихорим, ғурурим, Тошкент,
Номус-орим, кўз нурим, Тошкент.
Ватанимнинг асл дилбанди,
Саодатли содиқ фарзанди,
Муҳаббатим, сururим, Тошкент.

Меҳринг билан манзил мунаввар,
Яшил олам яратмиш баҳор.
Қалбларда қўр, кўзларда гавҳар,
Ўзбекистон аталмиш диёр.

Нақорат:

Ниятимиз тонг каби оппоқ,
Оқ пахталар олмиш андоза.
Йўлларимиз нурафшон, порлоқ,
Катта Шарққа очиқ дарвоза.

Нақорат:

Қардошликка ёрқин обида,
Дўстлик билан топдинг иқболинг.
Тенги йўқсан севги бобида,
Чин севгингдан кўркам камолинг.

Нақорат:

Баҳмал водий, мармар қасрлар
Жонли гувоҳ маҳоратингга.
Таҳсин ўқир йиллар, асрлар,
Ишчи қўллар, жасоратингга.

Нақорат:

Ифтихорим, ғурурим, Тошкент.
Номус-орим, кўз нурим, Тошкент.
Ватанимнинг асл дилбанди,
Саодатли содиқ фарзанди
Муҳаббатим, сururим, Тошкент.

КЎЗЛАР СЎЗЛАР...

Мовий кўзлар—ложуворд кўзлар,
Мусаффосиз, осмондай шаффоф.
Ишқли кўзлар, ўтли мард кўзлар,
Кўзингизда пинҳонми офтоб!!

Қора кўзлар мафтуни бўлиб,
Оромини бутқул олибсиз.
Минг ноз билан ёқимли кулиб,
Қорачиққа кириб қолибсиз.

Кўзлар кўзга интизор, муштоқ,
Бир қарашда англар кимлигин.
Одам меҳри кўзида, бироқ,
Меҳр билан ўлчар бойлигин.

Қилманг гумон, этманг ҳеч шубҳа,
Кўзингизга ишонинг, дўстлар.
Сизни қўймас қийноқ, ташвишга,
Ишқ кўйида ўйнашмас кўзлар!

Бир умрга этибди шайдо
Мовий кўзлар қора кўзларни.
Қора кўзлар алдамас асло,
Нигоҳида сақлар сизларни.

Мусаффолик денгиз билан эш,
Мовий кўзда денгиз яширин.
Қора кўзда порлайди қуёш,
Қуёш билан ўлчайди меҳрин!
Кўзлар сўзлар...

ЭНГ КАМЁБ ДОРИ

Севги бош врачдир
она заминда
Виктор БОКОВ.

Шифохона. Сокин палата,
Кўзим шипда, нигоҳ, баландда.
Хаста эмиш юрагим бироз,
Хаёл сўриб ётибман ҳақрост.
Жиловини тутқазмас хаёл,
Ўйларимда минг битта савол.
Шифокорлар— меҳрибон она,
Ҳамширалар бошда парвона.
Азизлашар кўз гавҳаридай,
Ўз меҳрини бериб пайдарпай.
Сўнмас қалбда умид чақини,
Кўнгил сўнар—дўстлар оқими.
Инсон бир бор келар дунёга,
Тўймас меҳр, ҳаёт—зиёга.
Иссиқ жонки, иситмаса бор,
Одам гоҳо бўлади бемор.
Ишонч билан оламан нафас,
Юрагимда муҳаббат, ҳавас,
Ҳаёт кулар, ушалар армон,
Инсон меҳри—дардларга дармон.
Ҳаёт ишқи—энг камёб дори,
Буюк доктор — инсон дийдори!

* * *

Чироғинг ёниқки, бедорсан, жонон,
Йигитнинг йўлига кўзларинг муштоқ.
Деразанг чертишни кутасан ҳамон,
Висол онларига етай деб қувноқ.

Дийдор кўришгандек дарёдай жўшиб,
Чироғингни кўриб, яйраб кетарди.
Не-не умид билан олис йўл ошиб,
Ҳар гал деразангни чертиб ўтарди.

Кетдинг кўп қаватли бинога кўчиб,
Мудом тушиб турар сен томон йўли.
Ошиқ қуш эмасди боролса учиб,
Дераза чертишга етмайди қўли.

Кутма, чироғингни ўчир, эй дилдор,
Энди насиб этмас у билан дийдор!

ЭРКАКЛАРНИ АСРАНГ, АЁЛЛАР!

О, аёллар, сиз— дўст, сиз Она,
Сизлар билан, қалблар, хаёллар...
Ўтинчимиз сиздан ягона,
Эркакларни асранг, аёллар!

Турмуш борки—ташвишлари бор,
Бошдан ошиқ юмушлари бор,
Баҳордан сўнг куз, қишлари бор,
Эркакларни асранг, аёллар!

Оиланинг таянч — каттаси,
Болаларининг азиз отаси,
Шўхлик қилса, маъзур тутасиз,
Эркакларни асранг, аёллар!

Муҳаббатга қурилар ҳаёт,
Умрингизга мудом қўшқанот,
Яхшилик-ла—қолур яхши от,
Эркакларни асранг, аёллар!

Умр боғин асл боғбони,
Ҳаётимиз тинчлик посбони,
Ботир ўғли — эл жонажони,
Эркакларни асранг, аёллар!

Ҳаёт асло чироқсиз бўлмас,
Висол борки фироқсиз бўлмас,
Турмуш борки сўроқсиз бўлмас,
Эркакларни асранг, аёллар!

Сочилади гоҳо ғазаблар,
Зир қақшайди шунда асаблар,
Фурсат сўрар ҳатто сабаблар,
Экакларни асранг, аёллар!

Бизларга ҳам тутмангиз осон,
Катта давлат— юрсак соғ-эсон,
Ўзимиз ҳам эмас бенуқсон,
Эркакларни асранг, аёллар!

Икки қўлдан чиқади қарсак,
Ишқсиз юрак юракмас, кесак,
Ҳақ рост-шундай ўйлаб қарасак,
Эркакларни асранг, аёллар!

Бисот эмас, ахир, ҳар нарса,
Ҳисоблидир бизда ҳар лаҳза,
Тушмасин кўп юракка ларза,
Эркакларни асранг, аёллар!

Кўнглимиз оқ—дилимиз ойдин,
Босган қадам—йўлимиз ойдин,
Меҳнат билан қўлимиз олтин,
Эркакларни асранг, аёллар

Ёнларида бўлинг ёнма-ён:
Жонига жон, томирида қон,
Кўнгли осмон, покиза инсон,
Эркакларни асранг, аёллар

Жанговар дўст, ўртоқ ва сирдош,
Меҳрибон эр, мунис юракдош,
Камтар инсон — меҳри бир қуёш,
Эркакларни асранг, аёллар

Тиригида кўтаринг бошга,
Рўйиш берманг сира кўз ёшга.
Қўшилмасин заҳар бол ошга,
Эркакларни асранг, аёллар!

Кемиради умрни бўҳтон,
Шоширади шубҳа ва гумон,
Жуда кечдир сўнгги пушаймон,
Эркакларни асранг, аёллар

Қуёш бўлиб чақнасин нигоҳ,
Ишқ ва имон—умрга гувоҳ,
Бевафолик—энг оғир гуноҳ,
Эркакларни асранг, аёллар

Инсон билан тўлиқ бу олам,
Дўстлик билан тирикдир одам,
Қутлуғ уй у—дўст қўйса қадам,
Эркакларни асранг, аёллар

Турмушда бор синов—ҳаловат,
Бор эканки қалбда ҳарорат,
Буюк бойлик, олий мукофот,
Эркакларни асранг, аёллар!

* * *

Қанча умр кўрар одам,
Менга даргумон,
Бироқ қалблар нидо айлар,
Ташлангиз нигоҳ.

Ҳорғинликни қариликка
Қолдириш осон,
Лекин ишқни кексаликка
Қолдирмоқ гуноҳ!

Санъат ғунчалари

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КУЙЛАГАНДА

Кечқурун роппа-роса соат ўнда телефон жиринглаб қолди.

— Тезроқ телевизорингни қўй,— деди танишим.— Яхши кўрсатув бўляпти.

Чиндан ҳам кўрсатувнинг бошланишиёқ томошабинни дарҳол жалб этиб олди. Катта-кичик болакайлар ўзбек ва рус тилида куй ва қўшиқлар бошладилар. Улар бу оқшом «Вақт» программасидан кейин футбол ҳам, хоккей ҳам, қизиқчилар ҳам эмас, ўзлари томоша кўрсатмоқчи эканликларини эълон қилишди. Болалар янги истеъдодларини намойиш этмоқчи эканликларини баён қилганларида томошабинни алдашмаган эди. 50 минут давом этган бу программада биз — катталар болаларнинг янги истеъдод қирраларини кўрдик.

Концертнинг биринчи номери — С. Юдаковнинг «Бахт қўшиғи» ижро этилганидаёқ биз Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети ҳузурида бундан икки йилча илгари ташкил этилган ўзига хос болалар хор коллективи билан танишдик. Хор коллективида икки группа — мактаб ўқувчилари ва мактабгача ёшдаги болалар группалари мавжуд эди.

Концертни «катталар» — мактаб ўқувчилари бошлашди. Улар оркестр билан ҳамоҳанг қўшиқ айтишарди. Бу — Ўзбекистон давлат филармониясининг симфоник оркестри эди. Концертнинг ана шундай масъулиятли номер билан бошланишиёқ болаларнинг катта маҳоратидан далолат берар эди. Уларга республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ш. Ёрматов дирижёрлик қиларди.

Шундан кейин саҳнага мактабгача ёшдаги болалар чиқишди. Шуни айтиш керакки, улар ҳам худди катталардек маҳорат кўрсатиб «Турнача» қўшиғини айтдилар.

Бу ҳали истеъдод кўригининг бошланиши эди. Бутун концерт мобайнида биз кўплаб истеъдод қирраларини кўрдик. Кўрсатув муаллифлари редакторлар Н. Теплякова ва А. Мажидов, режиссёрлар А. Талалаева ва Ф. Бакиров, рассом В. Подгурский ёш истеъдодлар ҳақида кўп минглаб телетомошабинлар билан фикрлашишни истагандек кўринадилар. Шунинг учун ҳам улар болаларнинг маҳоратини айни катталар учун намойиш қилишди. Бу билан улар биз — катталарга: кўрдингизми, болаларимизнинг маҳорати бекиёс, фақат биз уларнинг истеъдодини тарбиялашимиз керак, дегандек эдилар. Чиндан ҳам мана шу болалар орасида келажакнинг Ҳалима Носировалари, Давид Ойстрахлари йўқ деб ким айта олади? Чиндан ҳам биз улардан ўз кўмагимизни аямаслигимиз керак.

Кўрсатув муаллифлари шунчаки томоша кўрсатибгина қолмасдан, томошабинлар кўнглида мана шундай саволлар уйғота олишгани кишини қувонтиради. Негаки, концертнинг кўпчилик номерлари шаҳримизда ноёб истеъдодли болалар оз эмаслигидан дарак бериб турибди.

Рус халқининг кўпчилик қалбини забт этадиган ўзига хос ялласи— «частушка»лари 241-боғча болалари томонидан ижро этилганида томошабинлар ҳаяжонга тушишгани аниқ. Ҳали мактабга бормаган кичкинтойларнинг бундай маҳорати албатта кишини завқлантиради. Мана, 340-боғчанинг оркестри. Унинг қатнашчилари камера олдида ўзини тутиш, ижрочилик маҳоратини шу қадар пухта эгаллаб олганига киши қувонади.

Албатта, катталар бир хилликни унча ёқтирмайди. Шунинг учун ҳам кўрсатув муаллифлари ранг-барангликка интилишган. Масалан, П. Жабборов ижро этган «Оққуш» куйи билан К. Кенжаев музика мактаби скрипкачилар ансамбли ижро этган «Шодлик» куйи бир-бирига ўхшамайди. 99-мактабнинг хор капелласи эса ўзига хос номерни бажарди. Классик ва халқ куйлари ҳам ёш санъаткорлар томонидан маҳорат билан ижро этилди.

Эстрада ансамблларига гал келганида эса томошабинлар айниқса қувониб кетишди. «Болалар эстрадаси» деган тушунчанинг маъноси катта. Негаки болалар эстрадаси ўзининг самимияти билан кишини айниқса мафтун қилади.

115- ва 80-мактабларнинг ансамбллари, айниқса Островский номидаги пионерлар саройининг «Пахтаой» болалар вокал инструментал ансамбли юксак ижрочилик маҳоратини кўрсатиб томошабинларни мафтун этишди.

Бу ансамблнинг солисти Лиля Анорбоева ва бошқалар фақат қўшиқ айтибгина қолишмайди. Улар турли асбобларда юксак маҳорат билан куйлар ижро этишади. Ростини айтганда бу борада улар кўпгина катта санъаткорларга ўрнак бўладиган ишлар қилишди. Айниқса қўшиқни ҳис этиш, унинг сўз ва оҳангини томошабинга бутун назокати билан етказиб бериш шу билан бирга микрофон олдида ўзини камтар тута билиш— бу маҳоратни баъзи катталар худди ана шу болалардан ўрганишса ёмон бўлмайди.

Албатта, концертнинг муваффақиятли чиқишида фақат ижрочиларнинг маҳоратигина роль ўйнайди деб бўлмайди. Бу ўринда энг аввало болалар ҳаваскорлик коллективлари раҳбарларининг жуда катта меҳнатини назарда тутиш керак. Чунки бу раҳбарлар энг аввало ёш истеъдодларни топиш ва уларга кўмак бериш борасида озмунча меҳнат қилмаганлар. Тўғрисини айтиш керак. Орамизда арзимаган қийинчиликларга чидолмай болалар ҳаваскорлик коллективларидан юз ўгириб кетадиган раҳбарлар оз эмас. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, болаларнинг эстетик тарбиясида уларнинг маданий ва ижодий тараққиётида бу концерт ўзига хос синов бўлди дея оламиз. Эътибор берган бўлсангиз, концертда биронта касаба союз клубининг биронта вакили қатнашгани йўқ. Бу ҳам касаба союз ташкилотлари болалар ҳаваскорлик коллективларига етарли даражада раҳбарлик қилмаётганидан дарак берса керак.

Шаҳримизнинг комсомол ташкилотлари, ижодий ташкилотлари ёш истеъдодларни топиш ва буларга ёрдам беришда активроқ иштирок этишса ёмон бўлмасди. Бунинг учун болалар ижоди конкурсларини ташкил этиш, бевосита турар жойларнинг ўзида тўгараклар очиш катта аҳамиятга эга. Бизда ёш истеъдодлар оз эмас. «Дилдан куйлаб, ўйнаб-қувнаб» кўрсатуви ҳам бундан дарак бериб турибди. Бундай кўрсатувлар янада кўпроқ бўлса, уларда фақат кичкинтойлар эмас, баъзи ўсмирлар ҳам қамраб олинса ёмон бўлмасди.

Балки бора-бора турли шаҳарлардаги болалар коллективларининг телевизион конкурсини ўтказиш мумкин бўлар. Келажакда шундай қилиш мумкин-ку. Ўзбекистон телевидениеси студияси бу борада жуда яхши ташаббус бошлади. Энди бундай ташаббусни ким давом эттиришни ўйлаш керак.

Ю. КАЗАЧЕНКО.

СУРАТДА: 80-мактаб ўқувчилари қўшиқ ижро этмоқда.

Д. Хўжаев фотоси.

ИСКАНЖУБИН НИМА?

СУРАГАН ЭКАНСИЗ...

Ҳурматли редакция! Баъзи тиббиёт китобларида исканжубин деган сўзни учратиб турамиз. Исканжубин нима, у қандай тайёрланган ва қайси касалликларда қўлланган? Ундан ҳозирги пайтда фойдаланса бўладими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ш. АЛИЕВА, Ф. ҚОДИРОВА, О. ШАМСИЕВА, илмий ходимлар.

Исканжубин арабча термин бўлиб узум сиркаси, асал ва сув аралашмасидан тайёрланадиган ичимликнинг номидир. Улуғ табиб Абу Али ибн Сино буни анчагина касалликларга дори сифатида қўллаган.

Маълумки, узум сиркаси ҳам, асал ҳам шифолик хусусиятига эга бўлган неъматлардир. Бироқ иккаласини кўп миқдорда истеъмол этиб бўлмайди. Чунки бири ўта нордонлигидан буриштириш ва қотириш хусусиятига эга, иккинчиси эса ўта ширинлигидан ўртаб юборади. Агар булар бирлаштирилса асал — сирканинг нордонлигини, сирка ҳам ўз навбатида асалнинг ширинлигини қирқади ва анча хушхўр бир дори ҳосил бўлади.

Ибн Сино табобатида касалнинг ва унга бериладиган дори билан овқатнинг мижози масаласи муҳим ўрин эгаллаган. Чунончи, сирка совуқлик мижоздаги, асал эса иссиқлик мижоздаги неъматлар ҳисобланган.

Алломанинг беш томдан иборат «Тиб қонунлари» китобларининг ҳаммасида исканжубин сўзи кўп учрайди. Исканжубинни олим бошқа содда ва мураккаб дорилар билан бирга анчагина дардларга даво сифатида ишлатгани бизга маълум.

Исканжубиннинг фойдалилигини асосан содда дорилар тўғрисидаги иккинчи китобида, тайёрлаш усулини эса мураккаб дорилар тўғрисидаги бешинчи китобида баён қилади. Исканжубин тайёрлашнинг асосан етти хил усули бўлиб, шулардан энг оддийси мана бундай: Бир миқдор олинган асални қайнатиб кўпиги олинади. Бунга тўрт миқдор тоза сувни тўрт марта бўлиб-бўлиб қуйиб жуда суст оловда қайнатиш давом эттирилади. Ҳосил бўлган кўпик яна олинади. Асал тоза бўлса кўпиги кам чиқади. Бундай асални узоқ қайнатмаса ҳам бўлади. Ёмон асалда кўпик кўп ҳосил бўлади, шунинг учун уни узоқроқ қайнатиб тозалаш зарурдир. Сўнгра бунга асал миқдоридан икки баробар кам олинган узум сиркаси қуйиладида, яхши аралашма ҳосил бўлгунча пишириш давом эттирилади.

Ҳар учала масаллиқ (сирка, асал, сув)ни бирданига қўшиб исканжубин тайёрлаш ҳам мумкин. Бунда: идишга аввало бир миқдорда олинган узум сиркасини қуйиб устидан икки миқдорда олинган асал ва тўрт миқдорда олинган сувни солиб суст оловга қўйилади, вақти-вақти билан аралаштириб кўпиги олиб турилади ва маҳсулотнинг тўртдан бир қисми қолгунча қайнатилади.

Ҳурматли оқшомхонлар! Масаллиқ миқдорини аниқ граммларда ёки бошқа ўлчов воситаси билан кўрсатмаганимиздан англагандирсизки, исканжубинни ҳар ким ўзича тайёрлаб истеъмол этиши яхши эмас.

Тайёрлашни тавсия этмаслигимизга бир неча сабаблар бор:

Биринчидан, исканжубиннинг ёлғиз ўзини эмас, бошқа дориларга қўшиб истеъмол этилган. Қайси касалда, қандай дорига қай миқдорда қўшилишини билмоқ учун эса Ибн Сино асарларини мукаммал ўрганиб чиққан мутахассис бўлиши керак.

Иккинчидан, исканжубин истеъмолининг миқдори яна касалнинг оғир-енгиллигига ва йилнинг фаслларига қараб ўзгартириб турилган. Буни ҳам ҳар ким эплай олмайди. Учинчидан, Ибн Сино исканжубин беришдан олдин ҳар бир касалнинг мижозини аниқлаб олган. Мижоз эса ҳар хил: совуқ мижозли касал, иссиқ мижозли касал, ҳўл мижозли касал, қуруқ мижозли касал ва ҳоказо.

Ҳозирги медицинамиз даволашида бундай мижозлар эътибордан қолидир. Қолаверса, ҳар ким ҳам ўзининг қандай мижозда эканлигини билавермайди. Бундай ҳолатда исканжубин бировга фойда қилса, бировга қаттиқ зарар етказиши турган гап!

Яна шу фактларни айтиб ўтмасдан илож йўқки, даврлар ўтиши билан ҳамма нарса ўзгариб кетади. Бу қонунга дори-дармонлар ҳам, касалликлар ҳам бўйсунади. Бир даврда яхши натижа берган дори, бошқа даврда шикастли нарсага айланиб қолиши мумкин. Давр ўтиши билан одам аъзолари ҳам ташқи муҳит таъсири ва касалликларга бардошли ёки аксинча, бебардош бўлиб қолиши мумкин. Ана шу маънода ҳам исканжубинни даволаш мақсадида қўллаш (айниқса ўз-ўзини даволашда) тамомила салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ахир исканжубинни дори сифатида қўлланган даврдан буён X аср ўтиб кетди. Мана шу узоқ вақт мобайнида уни бирорта табиб ёки врач синаб кўрганлигини билмаймиз. Шу сабабларга кўра исканжубин нима эканлигини билиб қўйган яхши-ю, аммо истеъмол этилмагани маъқул.

Карим МАҲМУДОВ.

◆ ТАБИАТ ОЛАМИДА

КЎҲНА ЁНҒОҚ

Тожикистондаги Ҳазратишох тоғининг этакларида денгиз сатҳидан 2500 метр баландликда ғалати бир ёнғоқ ўсади. 300 йилдан бери ўсаётган ўн олти танали ёнғоқнинг бўйи 50 метрга етган. Одатда ёнғоқнинг бўйи 30 метрдан ошмайди ва якка тана бўлиб ўсади.

Ривоятларга кўра, XIX асрнинг охирида исён кўтарган тожикларнинг Емельян Пугачеви — афсонавий Восе деҳқонлари мана шу тоғларда душманлардан бекинишган. Улар шу ердан чиқиб, бойларнинг ер мулкларига босқинчилик қилиб турганлар.

Улкан тоғ тепаларига чиқиш қийин. Лекин дастлабки сайёҳлар бу йилданоқ тоғларнинг кўҳна дарахтини кўрадилар. Улкан ёнғоқ давлат муҳофазасига олинади.

Восе,
Тожикистон ССР.
Д. АШУРОВ,
ТАСС мухбири.

Шаҳримиз атрофига жойлашган Хумсон қишлоғи ўзининг ажойиб манзараси, шифобахш суви ва об-ҳавоси билан кўпчиликни мафтун этмоқда. Сиз суратда Хабибулла Шодиевнинг редакциямизга йўллаган ана шу Хумсон қишлоғи манзарасини кўрмоқдасиз.

---

41 СССР ЧЕМПИОНАТИ

Нашидасиз ғалаба

Учрашув тугаганида «Пахтакор» Марказий стадионининг таблосида 1:0 рақами порлаб турарди. Бу ҳамшаҳарларимиз ғалабага эришганликларидан гувоҳлик берарди. Аммо бу ғалаба ишқибозларда икки хил таассурот қолдирди. Ғалаба жуда қийин ўйинда қўлга киритилди. Пахтакорчилар икки сафардан буён ўз майдонларида ўзларига хос бўлган комбинацияли, шиддаткор ўйин кўрсатишга муваффақ бўлолмаяптилар.

Учрашув тугаганидан кейин футбол мутахассислари қуйидаги фикрларни билдиришди.

Н. ПОТАПОВ (Душанбе)— учрашув инспектори, Бутуниттифоқ тоифасидаги судья.

— Бу мавсумда «Пахтакор»ни мен иккинчи марта майдонда кўришим. Командани биринчи бор баҳорда, тошкентликлар москвалик армиячилар билан учрашганда кўрган эдим. Иккала ўйинни таққослаганда биринчи учрашув жуда қизиқарли ўтганлигини таъкидлаш лозим. Бу сафар «Пахтакор» суст ўйин кўрсатиб, майдонда жуда бўш ҳаракат қилди. Назаримда рақиблар дарвозасига тўп ҳам тасодиф туфайли киритилди.

С. МУРУНОВ (Тошкент), Бутуниттифоқ тоифасидаги судья.

— Ўйин менга ёқмади. Жуда зерикарли бўлди. Айниқса ўз майдонида бундай ўйин кўрсатиш мумкин эмас. Назаримда футболчилар майдонда суст ва мақсадсиз ҳаракат қилиш билан томошабинларга ҳурматсизлик кўрсатишяпти.

Н. НАДЕЖДИН—«Физкультурник Узбекистана» газетасининг футбол шарҳловчиси.

— Ҳақиқатан ҳам ўйин қовушмади. Учрашувда менга ивано-франковсклик судья М. Ступар маъқул бўлди. У учрашувни аниқ ва юқори малакада ўтказди.

Шундай қилиб, шанба кунги ўйин қандай ўтди?

Ўйиннинг бошларида ўз анъанасига содиқ бўлган «Пахтакор» рақиб майдонига тез-тез ёриб кира бошлади. Айниқса чап қанот бўйлаб уюштирилган ҳужумлар ниҳоятда хавфли бўлди. Аммо орадан кўп ўтмасдан «Пахтакор» ташаббусни қўлдан берди. Меҳмонлар вазиятни аниқлаб олгач, мезбонларнинг хатоларидан фойдалана бошладилар. Асосан биринчи бўлимда мезбонлар бундай хатоларга жуда кўп йўл қўйишди. Шу ўринда К. Бакановнинг ҳаракати ҳақида тўхтаб ўтиш лозим. Узоқ танаффусдан сўнг майдонга ярим ҳимоячи ролида чиққан бу ўйинчи ўз зиммасига юкланган вазифани бажара олмади. У ҳужумга ташкилотчилик қилишни ҳам, ҳимоячиларга ёрдам беришни ҳам уддалай олмади. Натижада меҳмонларнинг ҳимоячилари «Пахтакор»нинг жарима майдонигача келишга эришдилар. Улар бир неча марта хавфли вазият яратишди.

Пахтакорчилар ҳужум ва қарши ҳужумни суст амалга оширдилар. Тўп билан олдинга бораётган ўйинчи ўз шерикларини топиш учун бир неча марта атрофга қарашга мажбур бўларди. Учрашувда айниқса ҳужумчи В. Чуркин ва ярим ҳимоячи В. Макаровлар суст ўйин кўрсатишди.

Ўйиннинг 26-минутида тошкентликлар томонидан дарвозага йўлланган тўп яхши ўйланган ва чиройли амалга оширилган комбинация натижаси эмас эди. «Қайрат» командасининг марказий ҳимоячиси қўпол хатога йўл қўйди. Натижада тўпни М. Ан эгаллаб олди ва дарҳол уни дарвоза тўрига йўллади.

Кутилмаганда юз берган бу ҳодисадан меҳмонлар саросимага тушиб қолишди. Улар кетма-кет хатога йўл қўйдилар. Фақат тасодиф туфайлигина уларнинг дарвозасига бошқа тўп киритилмади.

Иккинчи таймда меҳмонлар ташаббусни ўз қўлларига олиб ҳеч бўлмаганда бир очкони қўлга киритишга ҳаракат қилдилар. Фақат дарвозабон С. Покатиловнинг аниқ ва чаққон ҳаракатлари туфайли «Пахтакор»нинг дарвозаси даҳлсиз қолди.

Афсус билан айтиш керакки, сўнгги минутларда олмаоталик А. Алтухов ва тошкентлик М. Ан ўртасидаги низо туфайли ўйин бузилди. Аввал бир марта учрашув судьяси томонидан огоҳлантирилган меҳмонларнинг ҳимоячиси майдондан чиқариб юборилди. М. Анга огоҳлантириш берилди. Бу ўйинчи аввалги ўйинда ҳам огоҳлантирилган эди.

Шундай қилиб, ўтган турда икки очко олишга муваффақ бўлган «Пахтакор» ўз ишқибозларини чиройли ўйин билан хушнуд этмади. Ишонч билан айтамизки, пахтакорчилар бу дўстона танқиддан тўғри хулоса чиқариб оладилар, чиройли ва қизиқарли ўйин кўрсатиб, мухлисларини хушнуд этадилар.

Э. АВАНЕСОВ.

«ПАХТАКОР» ҲАҚИДА 15 ФИКР

«Қайрат» командасининг катта тренери, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган тренер, спорт мастери С. Ф. Каминский.

— «Пахтакор» бу сафар майдонда суст ҳаракат қилишига қарамай унинг ўзига хос характери сезилиб турди.

Назаримда, мезбонларнинг ҳимоя чизиғида ҳаракат қилган ўйинчилар суст ўйин кўрсатдилар. «Қайрат» ҳамиша ҳимоячиларининг пухта ўйин кўрсатиши билан шуҳрат қозонганлигини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Шу боисдан ҳам азалий рақиб бўлган командалар ўртасидаги бу сафарги учрашув ҳам ниҳоятда кескин вазиятларга бой бўлди. Командалар ўртасидаги учрашувларнинг натижалари қуйидагича: 1960 йилдан буён бу командалар ўзаро 24 учрашув ўтказишган. Командаларнинг ҳар бири тўққиз мартадан ғалабага эришиб, олти учрашуви дуранг натижа билан якунлашган. Биз Олмаотада, «Пахтакор»нинг эса Тошкентда ғалаба қозониши анъанага айланиб қолган.

Бу мавсумда ҳам шундай бўлди. Биринчи давра учрашувида биз ўз майдонимизда тошкентликларни 3:2 ҳисобида базўр енгдик. Ўшанда бизнинг ўйинчиларимиз меҳмонларнинг саросимага тушиб қолганликларидан фойдаланиб тўрт минутда учта тўп киритишга муваффақ бўлишганди. Шу ўйинни пахтакорчилар юксак савияда ўтказишган эди. Бу сафар эса «Пахтакор»нинг ўйини умуман қовушмади.

Фақат М. Ан комбинацияли ўйин кўрсатишга ҳаракат қилди. Назаримда В. Макаров, К. Баканов ўз имкониятлари даражасидан паст ўйин кўрсатишди. Майдон марказида А. Корченовнинг зиммасига юкланган вазифа уддаланмади. Айниқса, Т. Исоқов томонидан моҳирлик билан жарима майдонига етказиб берилган тўпни у дарвозага йўллай олмаганлиги ҳаммани ташвишлантирди. Айтгандай, бу кекса ўйинчи ўзининг маҳорати, чиройли ўйин кўрсатиши билан менга маъқул бўлди. Ёш ҳимоячи Убайдуллаев ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Майдонда В. Чуркинга нисбатан Исоқов яхши ҳаракат қилди. Ҳар бир тренер ўз вазифасини яхши билишини тушунаман. Шунга қарамасдан майдонда яхши ўйин кўрсатаётган Исоқовнинг В. Курнев билан алмаштирилишини тушунмадим. Бу нарса бизга мезбонлар ҳисобни сақлаб қолишга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам биз ҳужумни кучайтирдик.

Хулоса қилиб айтганда «Пахтакор» бу сафар қимматли икки очкони қўлга киритган бўлишига қарамасдан яхши ўйин кўрсатмади.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Н. МУРОДОВ: Ҳурматли редакция! Уруш инвалидларини иш билан таъминлаш ва уларга тегишли имтиёзлар ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

Жавоб: Корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўзларига мурожаат қилувчи уруш инвалидларини иш билан таъминлашлари шарт. Корхона ишлаб чиқариш хусусиятларига кўра инвалидни иш билан таъминлай олмаса, социал-таъминот органи инвалидга у ишлай оладиган корхонани топиб бериши лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг маъмурияти бир иш жойида бир неча уруш инвалидидан фойдаланишга ҳақли, бу инвалидлар ё бир сменани бирга баҳам кўради, ёки кун ора ишлайди ва ҳоказо. Бу ҳолда меҳнат ҳақи ҳақиқатдаги иш унумига қараб ёки ҳақиқатда ишлаган вақтга қараб тўланади.

* * *

М. ЎРУНОВА: Мен бу йил 8-синфни битириб, тикувчилик касбини эгалламоқчи эдим. Шаҳримизда шундай касб эгаларини тайёрлайдиган билим юрти борми?

Жавоб: Эркаклар костюми, аёллар пальтоси, аёлларнинг енгил устки либосларини тикувчи усталар шаҳримиздаги 5-техника билим юртида тайёрланади. Бу билим юрти Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уйда жойлашган. Бундан ташқари 30-техника билим юртида ҳам тикувчилик касби сирларини ўрганиш мумкин. Бу ҳунар маскани Арпапоя кўчаси, Кўргул тупиги, 26-уйда жойлашган. Шунингдек, эркаклар ва аёлларнинг устки либосларини тикувчи усталар шаҳримизнинг Энгельс кўчасидаги 60-уйга жойлашган 127-техника билим юртида ҳам тайёрланади.

* * *

А. БОҚИЕВ: Вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган Улуғ Ватан уруши инвалидларига қандай миқдорда нафақа тўланади? Шу ҳақда маълумот берилса, айни муддао бўлур эди.

Жавоб: Касаба союз аъзолари бўлган Улуғ Ватан урушининг ишлаб турган инвалидлари вақтинчалик меҳнат қобилиятларини йўқотган пайтларида уларга узлуксиз иш стажи қанчалигидан қатъий назар, иш ҳақининг юз проценти миқдорида нафақа берилади. Касаба союз аъзолари бўлмаган ва ишлашда давом этаётган Улуғ Ватан уруши инвалидлари вақтинчалик меҳнат қобилиятларини йўқотган пайтларида уларга иш ҳақининг 50 проценти ҳажмида нафақа тўланади.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Ана шу йўл ҳодисасида иккаласи ҳам айбдор. Биринчиси — 195-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Дима Гопин бўлиб у Янка Купала кўчасининг ўтиш жойида яқинлашиб келаётган транспортни менсимасдан ўтиб бораётгани. Иккинчиси — ЕРАЗ-762 маркали 13 — 26 ТНЗ номерли машинани бошқариб келаётган Леонид Леньков кўчанинг ўнг йўлкасида жой бўла туриб, иккинчи йўлкадан қоидани бузган ҳолда ҳаракат қилди ва машина тезлигини пасайтирмасдан болани уриб кетди.

Бу ҳодисада иккаласи айбланди. Йўловчи касалхонага тушди, ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ҲУРМАТЛИ РАДИО ТИНГЛОВЧИ ЎРТОҚЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ
ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ
ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР БЎЛИМИ

шаҳар тармоғи орқали берилаётган эшиттиришлар ҳақида сизларнинг фикр-мулоҳазаларингизни ва таклифларингизни билиш мақсадида қуйидаги саволлар билан мурожаат қилади:

ШАҲАР ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ БЕРИЛАЁТГАН РАДИОЭШИТТИРИШЛАРНИ ҚАЕРДА ТИНГЛАЙСИЗ?

Уйда — — — — — — — **Ишда** — — — — — — — —

ШАҲАР ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ БЕРИЛАЁТГАН РАДИОЭШИТТИРИШЛАРНИ ҚАНДАЙ ТИНГЛАБ БОРАСИЗ?

Ҳар куни — — — — — — — — — — — —
Ҳафтада 3-4 марта — — — — — — — — — —
Баъзан — — — — — — — — — — — —

ШАҲАР ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ БЕРИЛАЁТГАН РАДИОЭШИТТИРИШНИ БИР КЕЧА-КУНДУЗДА НЕЧА СОАТ ТИНГЛАЙСИЗ?

Иш кунлари	Дам олиш кунлари
30 минут	30 минут
30 минутдан 1 соатгача	30 минутдан 1 соатгача
1 соатдан 1,5 соатгача	1 соатдан 1,5 соатгача
1,5 соатдан 2 соатгача	1 соатдан 2 соатгача
2 соатдан кўпроқ	2 соатдан кўпроқ

ШАҲАР ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ БЕРИЛАЁТГАН РАДИОЭШИТТИРИШЛАРНИ ҚАЙСИ ВАҚТЛАРДА ТИНГЛАЙСИЗ?

Соат 6 дан 12.00 гача — — — — — — — — — —
Соат 12 дан 17.00 гача — — — — — — — — — —
Соат 17 дан 22.00 гача — — — — — — — — — —
Соат 22.00 дан 01.30 гача — — — — — — — — —

ЎЗБЕКИСТОН РАДИОЭШИТТИРИШЛАРИНИ ШАҲАР ТАРМОҒИНИНГ ҚАЙСИ ПРОГРАММАСИ ОРҚАЛИ ТИНГЛАЙСИЗ?

Биринчи программа (1-республика программаси, шаҳар тармоғи учун).
Иккинчи программа (2-республика программаси, Москва).
Учинчи программа («Маяк»).

ШАҲАР ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ БЕРИЛАЁТГАН ЭШИТТИРИШЛАР ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАЛАБЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

I ПРОГРАММА
Ҳа — — — — — — — — — **Йўқ** — — — — — — — —
II ПРОГРАММА
Ҳа — — — — — — — — — **Йўқ** — — — — — — — —
III ПРОГРАММА
Ҳа — — — — — — — — — **Йўқ** — — — — — — — —

ШАҲАР ТАРМОҒИ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ҚАЙСИ ЭШИТТИРИШЛАРНИ ТИНГЛАЙСИЗ?

Шаҳар ахбороти (17.00—17.10).
Ўзбек куйларидан концерт (17.10 дан—17.50 гача).
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» газетасининг обзори (17.50—17.55 гача).

ШАҲАР ТАРМОҒИ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ЭШИТТИРИШЛАРНИНГ ҲАЖМИ ҲАҚИДА ҚАНДАЙ ФИКРДАСИЗ?

Ҳажми етарли — — — — — — — — — — —
Ҳажми етарли эмас — — — — — — — — — —

ШАҲАР ТАРМОҒИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНА ҚАНДАЙ ЯНГИ ЭШИТТИРИШЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНИ ИСТАЙСИЗ?

ЎЗИНГИЗ ҲАҚИНГИЗДА ЁЗИБ ЮБОРИНГ:

Ёшингиз — — — — — — — — — — — —
Маълумотингиз — — — — — — — — — —
Касбингиз — — — — — — — — — — —
Жинсингиз — — — — — — — — — — —
Исм ва фамилиянгиз (агар ҳоҳласангиз) — — — — — —

АНКЕТАМИЗ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРГАНИНГИЗ УЧУН ОЛДИНДАН МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАМИЗ.

Эслатма: ушбу анкетани газетадан қирқиб олиб ўзингизга маъқул бўлган жавобларнинг рақамларини белгилаганингиздан сўнг қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри —11, Навоий кўчаси, 69-уй. Ўзбекистон телевиденнеси социологик тадқиқотлар бўлими.

Ўзбекистон ССР
Министрлар Совети
газлаштириш Бош
бошқармасининг
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ КОМБИНАТИ

Республика халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида марказлаштирилган тартибда кадрлар тайёрлайди ва газ таъминоти билан машғул бўлган инженер-техник ва ишчи кадрларнинг малакасини оширади.

Қабул қилиш ва курсантларни ўқитиш шартнома асосида бўлади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри— 20. Уйғур кўчаси. 61-уй. Телефонлар: 44-08-30, 44-11-14.

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ БИРЛАШГАН ХЎЖАЛИГИ

3-класс шофёрларини тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳар ойда 60 сўмдан стипендия берилади.

Машғулотлар— 1 августдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Тўёна кўчаси, 10-уй. Қўйлиқ карьери, автобазанинг кадрлар бўлими.

ПОЙАФЗАЛ. У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Пойафзал — уст-бош маъносида ҳаётимизда катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам биз пойафзалнинг янада чиройли, модали, пишиқ ва қулай бўлишини истаймиз.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг эркаклар пойафзалига, унинг ассортименти ва сифатига бўлган талабларни ўрганиш мақсадида

«ТАШОБУВЬТОРГ»НИНГ

2-МАГАЗИНИДА

(Кафанов кўчаси, 106-уй)

27, 28 ИЮЛЬ КУНЛАРИ

ХАРИДОРЛАР

КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ

ЎТКАЗАДИ

Сизларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига оид таклифларингиз ўрганиб чиқилади, умумлаштирилади ва Тошкент фабрикаларида пойафзалчилар томонидан ишлаб чиқаришда ҳисобга олинади.

2-магазинга: 1, 2, 5, 8, 10, 24-трамвайлар, 9-автобус билан бориш мумкин («Госпиталь бозори» бекати).

МАГАЗИН ЭРТАЛАБ СОАТ 10 ДАН 19.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ. ТАНАФФУС — 14 ДАН 15.00 ГАЧА.

Харидорлар конференциясида актив иштирок этинг!

«ТАШОБУВЬТОРГ»
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ 104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўрта маълумотли ўқувчилар (уч йил муддатли ўқиш) **қуйидаги мутахассисликларни эгаллаб чиқадилар: контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарь, ёритгич, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электромочтажчи, юқори вольтли электр узатиш ҳаво линиялари монтажи бўйича электромонтёр, подстанциялар ва электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, электростанция қозонлари ва турбиналарнинг машинис кучланишли ускуналар ремонти бўйича слесарь, электрослесарь, автомобиль кранлари машинисти.**



Билим юртига 15 ёшга тўлган 8-синф маълумотидаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар уч маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида маблағ билан рағбатлантириладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан тугатган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАРГА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.

16 ва ундан катта ёшдаги ўқувчилар бир йил муддатли ўқиш (техника билим юрти программаси бўйича) **қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилинадилар: контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарь, юқори вольтли ҳаво линиялари монтажи бўйича электромонтёр, тақсимлаш қурилмалари ремонти бўйича электрослесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.**

Ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида маблағ билан рағбатлантириладилар.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ҳарбий хизматчилар бир йил муддатли ўқишга қабул қилинадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР АТТЕСТАТ ОЛАДИЛАР.

Тошкент шаҳрида яшовчиларга автобус хизмат кўрсатади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: директор номига ариза, автобиография, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет, ҳарбий рўйхатга ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, олтита фотосурат (3х4 см.) яшаш жойидан справка ва медицина (286-форма) справкаси.

МАШҒУЛОТ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Орджоникидзе райони, ТашГРЭС посёлкаси (Олой бозоридан «ТашГРЭС»гача 62-автобус билан борилади). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча 6-12, 3-18, 6-26.

ЎЗБЕКИСТОН ССР РЕСПУБЛИКА ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

«УЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ

1-ФИРМА МАГАЗИНИ ЧИРЧИҚ «ҒУНЧА» ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИ БИЛАН БИРГА

25 ИЮЛДАН 30 ИЮЛГАЧА

БОЛАЛАР КОСТЮМЛАРИНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

«Ғунча» — ихтисослашган тикувчилик корхонасидир.

У бир ёшдан мактаб ёшигача бўлган ўғил болаларни кийинтиради.

Болалар устки кийимлари катталарга ўхшаб модага моликдир. Унга асосан иккита талаб қўйилади. — қулайлик ва чидамлилик. Ҳозир эса яна учинчи талаб ҳам кўзда тутиляпти. — Болалар устки кийимлари чиройли бўлсин!

Ишлаб чиқариш корхонаси ёш харидорлар ҳақида жуда катта ғамхўрлик қилмоқда. Бунга мисол — фасонларнинг тез-тез ўзгариб туришидир. Гул тикилган комбинезонлар сўнгги янгилик бўлиб болаларни жуда қувонтиради.

Савдо-кўргазмасида тавсия қилинган моделларда ҳозирги замон модасига хос характерли белгилар: планкалар, кокеткалар, ёқалар, ёрқин бўёқлар билан қилинган бурмалар ва йўрма рангидаги тугмалар, тўқима аппликациялар эътиборга олинган, Қувноқ расмлар, ўйноқи ранглар (болалар дидига мос), замонавий конструкциялар, технологик ишлов — буларнинг ҳаммаси фабрика маҳсулотларининг ном қозонишига сабабчи бўлмоқда.

Ип газлама, ярим шерст, шерст костюмчалар — минглаб болаларга қувонч бахш этади.

Магазин адреси: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 18-уй. (7, 8, 11, 16-трамвайлар, 1, 4, 8, 18-троллейбуслар, 14, 28-автобусларнинг «Санъат саройи» бекати).

Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлигининг Марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси.

КИНО

25 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй бахтли инсон!** (18.30).

Муҳаббат бу-ҳаётдир — ЧАЙКА» (19, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (17, 20.00), «НУКУС» (18.30, 21.00), «ВОСТОК» (18.40, 21.30).

Сўнгги отишма — «ДРУЖБА» (17, 18, 20, 20.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 20, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21,00).

Ғариб жинлар мамлакатида — «МОСКВА» (17.30, 19, 20.45).

Менга қайнона бўлинг — «КОМСОМОЛ» 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Уйинчоқ — РЕСПУБЛИКА «БИЛИМЛАР УЙИ» (18.00).

Зорро — «ИСКРА» (17, 19, 20).

ЁЗГИ БИНОДА

(Соат 20.50 ва 22.30 да бошланади).

Катта пойга — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ғариб жинлар мамлакатида — «ХИВА».

26 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй бахтли инсон** (11, 13.30, 16, 18.30).

Муҳаббат — бу ҳаётдир — «ЧАЙКА» (11.30, 14, 16.30, 19, 21,30), «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00), «НУКУС» (11, 13.30, 15, 16, 18.30, 21.00), «ВОСТОК» (10, 13, 16, 18.40, 21.30).

Сўнгги отишма — «ДРУЖБА» (11, 12, 13, 14, 17, 18, 20, 20.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 19, 21.00).

Есенин — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 14.30, 17, 20.00).

Уйинчоқ — РЕСПУБЛИКА «БИЛИМЛАР УЙИ» (12, 14, 16, 18.00).

Ғариб жинлар мамлакатида — «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19, 20.45).

Зорро — «ИСКРА» (17, 19.20).

ЁЗГИ БИНОДА

(Соат 20.50 ва 22.30 дан бошланади).

Катта пойга — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ғариб жинлар мамлакатида — «ХИВА».

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

1978 ЙИЛ ОХИРИГАЧА ҚУЙИДАГИ САМОЛЕТ
МАРШРУТЛАРИ БЎЙИЧА
ПУТЁВКАЛАР СОТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

ГЕЛЕНЖИК — 22 сентябрь, 12 октябрдан 20 кунга. Баҳоси — 225 сўм, 205 сўм.

СИГНАХИ—СУХУМИ — 10, 30 сентябрдан 20 кунга. Баҳоси — 252 сўм, 235 сўм.

СОЧИ — 7 октябрдан 20 кунга. Баҳоси — 193 сўм.

ЧАКВА (Ботуми) **— 13 сентябрь, 4 октябрдан 20 кунга. Баҳоси — 208 сўм, 195 сўм.**

БОТУМИ — 27 сентябрдан 20 кунга. Баҳоси — 223 сўм.

ПИЦУНДА — 2 октябрдан 20 кунга. Баҳоси — 234 сўм.

КУТАИСИ — ПИЦУНДА — 2 октябрдан 20 кунга. Баҳоси — 200 сўм.

ЯЛТА — 21 октябрь, 1 декабрдан 20 кунга. Баҳоси — 260 сўм.

АЛАГИР — «ЦЕЙ» турбаза (Шимолий Осетия) **— 29 июлдан 20 кунга. Баҳоси — 274 сўм.**

КИСЛОВОДСК — 12 октябрь, 19 ноябрдан 20 кунга. Баҳоси—207 сўм.

ЕССЕНТУКИ — 6 октябрдан 20 кунга. Баҳоси— 224 сўм.

БИРШТОНАС—ПАЛАНГА — 21 сентябрдан 20 кунга. Баҳоси — 325 сўм.

МАЖЕЙКЯЙ—ПАЛАНГА — 28 сентябрь, 11 ноябрдан 20 кунга. Баҳоси —328 сўм, 300 сўм.

ВИЗУ—ЛЕНИНГРАД (орқага қайтилмайди) **— 26 сентябрдан 11 кунга. Баҳоси — 197 сўм.**

ПЯРНУ—РИГА—ЛЕНИНГРАД — 30 сентябрь, 22 октябрь, 4 ноябрдан 20 кунга. Баҳоси — 273 сўм.

КИЕВ—ЛЕНИНГРАД — 10 ноябрдан 15 кунга. Баҳоси — 250 сўм.

КИЕВ (орқага қайтилмайди) **— 21 сентябрдан 10 кунга. Баҳоси — 150 сўм.**

КИЖИ—ПЕТРОЗАВОДСК—ВАЛААМ КЎЛИ — 22 августдан 20 кунга. Баҳоси — 296 сўм.

«РОССИЯНИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ» (Суздаль — Владимир—Гусь—Хрустальний ва бошқалар) **— 27 август, 20 сентябрдан 15 кунга. Баҳоси — 280 сўм.**

СУЗДАЛЬ («Олтин ҳалқа» шаҳарлари)**— 27 августдан 14 кунга. Баҳоси — 243 сўм.**

ПЛЁС—ИВАНОВО (Волга бўйида) **— 30, 31 августдан 15 кунга. Баҳоси — 238 сўм.**

ДНЕСТРДАН — КАРПАТГАЧА (Черновци—Залешики—Яремча— Ивано Франковск)**— 28 августдан 20 кунга. Баҳоси — 324 сўм.**

ЧЕЛЯБИНСК—СВЕРДЛОВСК—ИЛЬМЕН КЎЛИ — 15 августдан 15 кунга. Баҳоси — 182 сўм.

АНГАРСК п/х «КОМСОМОЛЕЦ» — МАЛОМОРСКАЯ (Байкал кўли) **ТУРБАЗАСИ — 9 августдан 15 кунга. Баҳоси— 286 сўм.**

ВЛАДИВОСТОК—ЮЖНО—САХАЛИНСК — ПЕТРОПАВЛОВСК — КАМЧАТСКИЙ (Узоқ Шарқ ҳалқаси)**—10 августдан 18 кунга. Баҳоси — 575 сўм.**

ЧИМКЕНТ (1 кун) **— ФРУНЗЕ** (3 кун) **— АНАНЬЕВО** (Иссиққўл, 10 кун)**— 27 август, 3, 4, 6, 11 сентябрдан автобус билан 14 кунга, Баҳоси— 124 сўм.**

КОСТРОМА — «ЛУНЕВО» ТУРБАЗАСИ (ота-оналар болалари билан) **— бориш поезд графиги бўйича — 21 август, 8 сентябрдан 20 кунга. Баҳоси — 205 сўм.** (катталар учун), **165 сўм** (болалар учун).

«ВАСИШЧЕВО» ТУРБАЗА (Харьков яқинида)**си** (ота-оналар ва болалар учун турбаза) **24 августдан 20 кунга. Баҳоси — 230 сўм** (катталар учун); **166 сўм** (болалар учун).

ТОШКЕНТ САЙЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ҚУЙИДАГИ ТЕПЛОХОД МАРШРУТЛАРИГА

ПУТЁВКАЛАР СОТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА.

«ТОЖИКИСТОН» ТЕПЛОХОДИ (Волга бўйлаб) **—ВОЛГОГРАД** (6 кун) **— КУЙБИШЕВ—УЛЬЯНОВСК — ҚОЗОН—КАМИШИН —АСТРАХАНЬ—ВОЛГОГРАД — 11 сентябрдан 29 сентябргача. Баҳоси — класси бўйича — 220—307 сўм.**

23 сентябрдан 11 октябргача. Баҳоси класси бўйича 220 сўмдан — 307 сўмгача.

«ТИХИЙ ДОН» ТЕПЛОХОДИ (Волга бўйлаб) **—РОСТОВ-ДОН— ВОЛГОГРАД—САРАТОВ—КУЙБИШЕВ—ҚОЗОН—ГОРЬКИЙ—ПЛЁС—КОСТРОМА—МОСКВА — ЯРОСЛАВЛЬ—УЛЬЯНОВСК—ВОЛГОГРАД—РОСТОВ-ДОН— 4 сентябрдан — 23 сентябргача, 24 сентябрдан 13 октябргача. Баҳоси — 1 «А» категория — 540 сўм; 1 «Б» категория — 425 сўм.**

«ДМИТРИЙ ПОЖАРСКИЙ» ТЕПЛОХОДИ — (Волга бўйлаб) **— КОСТРОМА—МОСКВА—АСТРАХАНЬ—МАЙНА—КОСТРОМА — 19 сентябрдан. Баҳоси класси бўйича 235 сўмдан 335 сўмгача; 9 октябрдан. Баҳоси класси бўйича— 216 сўмдан 260 сўмгача.**

«ТОШКЕНТ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА САЁҲАТ ҚИЛИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАРНИ БИЗ УКРАИНА ВА ЗАКАРПАТЬЕ ШАҲАРЛАРИДАН ЎТАДИГАН МАРШРУТЛАР БЎЙЛАБ САФАРГА

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

ТОШКЕНТ—ХАРЬКОВ — ПОЛТАВА — КИЕВ—ЛЬВОВ УЖГОРОД—МУКАЧЕВО—РАХОВ—ЯРЕМЧА — ЧЕРНОВЦИ—КИШИНЕВ—ОДЕССА—ХЕРСОН—СЕВАСТОПОЛЬ — ВОЛГОГРАД—ТОШКЕНТ — 2 октябрдан 23 октябргача 22 кунга — Баҳоси — 224 сўм.

«ТОШКЕНТ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА
ЗАКАВКАЗЬЕ ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ:

ТОШКЕНТ — ВОЛГОГРАД — РОСТОВ—ПЯТИГОРСК—ЕРЕВАН — ТБИЛИСИ—БАТУМИ—СУХУМИ— ГАГРА — ТОШКЕНТ — 13 октябрдан 1 ноябргача — 19 кунга. Баҳоси —206 сўм.

«ДИЛОРОМ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА

ФАРҒОНА—САМАРҚАНДГА— 18 августдан 21 августгача — 3 кунга. — Баҳоси — 49 сўм.

САМАРҚАНД—ҚУҚОНГА — 29 сентябрдан 2 октябргача — 3 кунга. Баҳоси — 50 сўм.

БУХОРО — САМАРҚАНДГА— 6 октябрдан 9 октябргача 3 кунга. Баҳоси—41 сўм.

Самолётда ёки темир йўл бўйлаб Тошкентдан бориш ва қайтиш, яшаш, шаҳарлардаги экскурсия хизмати, овқатланиш путёвка қийматига киради.

Бизнинг адрес: 700078. Тошкент шаҳар, Намойишлар хиёбони, 5-уй. Телефонлар: 39-13-59; 39-13-18.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

БОЛАЛАРНИ ЁЗГИ ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИГА ОММАВИЙ РАВИШДА ЖЎНАТИШ ВА ҚАЙТАРИБ ОЛИБ КЕЛИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН
7 АВГУСТГАЧА
ШАҲАР ВА ШАҲАР АТРОФИДАГИ МАРШРУТЛАРДА ҚАТНАЙДИГАН АВТОБУСЛАР СОНИ
КАМАЙТИРИЛАДИ

«ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС».

Чизмачи-картограф ва картограф-гравёрлар тайёрлайдиган

10 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ

ЭЪЛОН

ҚИЛИНАДИ

Курсларга 8—10 синф ҳажмида маълумотли тошкентлик қизлар қабул қилинади.

Стипендия — 40 сўм.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Орифов кўчаси (олдинги Халқобод кўчаси), 8-уй (9, 19, 24, 51, 60, 72, 69-автобуслар, 2, 3, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри» бекати).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

26 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Қувноқ стартлар». 10.40. «Ўжар қиз». Бадиий фильм. 12.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 «Центрнаучфильм» студияси илмий-оммабоп фильмлари программаси. 15.45 «Н. Г. Чернишевский». Юбилей кўргазмасидан репортаж. 16.15 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Табиатни эҳтиёт қилинг». Кўрсатувни СССР Юстиция министрининг биринчи ўринбосари А. Я. Сухарев олиб боради. 16.45 Г. Верёвка номли Давлат хизмат кўрсатган Украина академик халқ хори ижро этади. 17.30 «Горнчилар, қаердасиз!».

18.00 «Фан оламида». Кўрсатувда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик А. А. Трофимук ва академик А. Г. Аганбегян иштирок этадилар. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Спортлото», тиражи. 18.55 Куба Халқининг миллий байрами — Миллий қўзғолон кунига бағишланган программа. «Бугунги Куба». Кинопрограмма. «Кубанинг фестиваль қўшиқлари». «Командо» операцияси», «Пўлат ҳалқада». Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар премьераси (Куба). 21.30 «Вақт». информацион программаси. 22.00 «Театр ҳақида ҳикоялар». СССР халқ артисти Н. К. Черкасов. Туғилган кунининг 75 йиллигига. 23.20 «И. Архипова концертлари». 2-кўрсатув. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Шу ҳақдаки...» Болалар учун музикали телевизион фильм. 11.10 «Касблар ҳақида ҳикоялар». «Қурувчилар». 1-кўрсатув. 11.40 «Москва вақти билан». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 18.30 «КПСС аграр сиёсати — ривожланган социализм шароитида», «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми — коммунизм учун курашда тарихий марра». 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 19.15 «Ахборот». информацион программаси (рус.). 19.30 Туркманистон телевидениеси ва радиоси эстрада оркестрининг концерти. 20.10. «Ахборот». информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». «Мусобақадош районларда». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 21.30 Москва. «Вақт». информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Завод — қишлоққа». 22.15 «Зулмат қўйнидаги юлдуз». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

«Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент посилка базаси коллективи база директорининг ўринбосари А. В. Бобоназаровга онаси

Мукаррам

ҲАМРОҚУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ленин район партия комитети ва халқ депутатлари район ижроия комитети «Гордорстройремонт» тресги партия комитетининг секретари А. Р. Эгамбердиевга онаси

МАҲБУБА

ЭРГАШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»,
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
— орган Ташкентского горкома
КП Узбекистана
и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66: саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-95; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 13068. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1367.